

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

Маҳфуза Хўжаева

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

2-нашри

Ўқув қўлланма

Тошкент
2008

Ўқув қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-услубий кенгайи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Республика методика ва ахборот маркази томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул мухаррир: педагогика фанлари номзоди, профессор
P.F.Қодиров.

Тақризчилар: санъатшунослик фанлари номзоди, профессор в.б.
Д.А.Муродова;

педагогика фанлари номзоди, доцент
А.П.Сулаймонов.

Мазкур ўқув қўлланма умумтаълим мактабларда мусиқа ўқитиши методикасининг назарий асослари ва услуби амалиёти масалаларини ёритишга қаратилган. Ўқув қўлланма олий мусиқа таълими Давлат стандарти ва “Мусиқий таълим” йўналиши бакалавриат босқичи ўқув дастурига мос ҳолда тайёрланган.

Настоящее учебное пособие направлено на освещение вопросов теоретических основ и практики методики музыкального обучения в общеобразовательных школах. Учебное пособие составлено в соответствии с Государственными стандартами высшего музыкального образования и учебной программой бакалавриата по специализации «Музыкальное образование».

The present teaching aid is directed to resolve the matters of theoretical bases and practice of musical training methods in general schools. The book is composed in accordance with State standards of higher musical education and the bachelor's programme of “Musical training” specialization.

© Ўзбекистон давлат консерваторияси
Таҳрир-нашриёт бўлими,
© М.Хўжаева, 2008.

КИРИШ

Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида мусика санъатининг бекиёс аҳамиятини, унинг илоҳийлигини, руҳият билан боғлиқлигини ўтмиш алломалари доимо таъкидлаб келганлар. Ўзбек шеъриятининг даҳоси Алишер Навоий ўз насрой асарларининг бирида бу ҳақда ажойиб фикрларни билдиради: «Шодликни оширувчи хонанда, ғамни тарқатувчи созанда, буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётли кишилар ва ахли дардлар жон фидо киларлар. Улар мулоҳим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчиларнинг нақд ҳаёти куйга фидо бўлса не ажаб? Ахир, кўнгил хуш оҳангдан кувват, рух эса хуш овоздан озиқ олади».

Мусика ёш авлоднинг маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллый ғурур, ватанпарварлик, нафосат ва ижодкорлик тарбиясини амалга оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни ўстиришга хизмат килади.

Мусиқанинг жуда катта тарбиявий имкониятлари ўқитувчининг жиддий қасбий тайёргарлиги, ўкувчи шахсига ҳамда унинг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибори асосидагина юзага чиқади. Шу билан бир қаторда мусика ўқитишнинг самарасини белгиловчи мухим омиллардан бири мусиқий методик масалаларнинг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилганлиги ва унинг амалиёт билан боғлиқлиги даражасидир.

Мусика ўқитиш методикаси умумтаълим мактабларида мусиқий таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, қонуниятлари, назарий асослари ва услубий йўналишларини белгилайди.

Мусиқий таълим педагогикасида кўп йиллар мобайнида мусика ўқитиш методикаси фани бўйича ўзбек тилида етарли даражада дарслик ёки ўкув қўлланманинг йўқлиги кадрлар тайёрлаш жараёни сифатига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда ушбу қўлланма бўлажак мусика ўқитувчилари ҳамда ёш мутахассисларнинг методик тайёргарлигини оширишга хизмат килади, деб ўйлаймиз.

Қўлланмада умумтаълим мактабларида мусика ўқитишнинг асосий муаммолари бўйича материал берилган. Бу материал муаллифнинг олий ўкув юрти ва мактабдаги кўп йиллик иш тажрибаси ҳамда шу соҳадаги қатор илмий-методик адабиётларни ўрганиш асосида яратилди.

Қўлланма тўқиз бўлимдан иборат. 1-4-бўлимлар умумтаълим мактабларида мусика ўқитишнинг назарий асослари, мактаб “Мусика

маданияти” дарсларининг ўкув фани сифатида ўзига хослиги, мусика ўқитувчисига бўлган замонавий талаблар, мусика ўқитишнинг асосий ва хусусий методларини ёритиб беради. Бу бўлимлар мазмуни ўқитиш методикасининг “пойдевори” бўлиб, талабаларда мусикий-педагогик фаолиятнинг негизини тушунишга ёрдам беради.

5-8-бўлимлар мусика дарсларида ўқувчилар томонидан бажариладиган турли мусикий фаолиятлар – мусика тинглаш (идрок), жамоа бўлиб куйлаш, мусикий-ритмик ҳаракат, болалар чолғуларида ижрочилик ва улар асосида мусика асарларини ўзлаштириш хусусиятлари, ўзлаштириш босқичлари ва уларнинг узвийлиги масалаларига бағишиланган.

9-бўлим мутахассисларда болалар мусика асарлари таҳлили малакаларини шакллантиришга қаратилган. Унда Ўзбекистон композиторлари ижодидан тинглаш ва куйлаш учун танланган асарларнинг таҳлили ҳамда асар намуналари келтирилган.

Ушбу кўлланмада берилган мусика ўқитишнинг асосий масалалари ўзининг тўлиқ ечимини топган деб ҳисоблашдан йироқмиз, чунки мактабда мусикий таълим-тарбия – жонли, ижодий ва доимо ривожланувчи жараён.

Кўлланма республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, замонавий ўқитувчига кўйилаётган талаблар, бой манавий, маъданий ва мусикий меросимизга янгича ёндошувларни ҳисобга олиб тузилган.

I БҮЛІМ

УМУМТАЪЛ.ИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА ҮҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Мусиқа үқитиши методикаси – педагогика фани тармогы сифатида

Методика – педагогика фанининг бир соҳаси бўлиб, турли предметларни үқитиши услубиятидир. Қисқача қилиб айтганда методика – бу услуб, кенг маънода – таълимот.

Мусиқа үқитиши методикаси – мусиқа санъати воситасида бола шахсини мақсадга йўналтирган ҳолда унда мусиқа маданиятини шакллантириш йўлларини ўрганади. Мусиқа үқитиши методикаси дидактик ва хусусий принциплар, усул, восита ва методлар ёрдамида мусиқий таълим-тарбия жараёнини олиб бориш ҳамда унинг умумий ва хусусий вазифаларини ҳал этиш йўлларини белгилайди. Умумий вазифаларга – мусиқанинг тарбиявий таъсир кучини кўрсатиш, ўкувчиларда мусиқага бўлган муҳаббатни, эҳтиёжни ўстириш, мусиқа тинглаш жараёнини ташкил этиш, мусиқа маданиятини шакллантириш ва ҳоказо масалалар киради. Хусусий вазифаларга эса кўшик ўргатиш усуллари, овоз диапозонини мустаҳкамлаш ва кегайтиришга ёрдам берувчи машқларни тавсия этиш, мусиқа идрокини, тинглаш қобилиятини ривожлантириш, мусиқа саводини эгаллаш босқичларини белгилаш ва ҳоказо масалалар киради.

Мусиқа үқитиши методикаси педагогика-психология фанларининг турли соҳалари билан узвий боғлик. Бу эса ҳаётимизда жамият олдида турган вазифалар, умумтаълим мактаблари ва үқитувчилар олдига кўйиладиган талаблар, ўкувчиларнинг ёш хусусиятлари, мактабда мусиқий таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, уларнинг ривожланиш истиқболини белгилаш имкониятини беради.

Методика ўз олдида турган муаммоларни ҳал этишда ҳам психологияга таянади. Масалан, мусиқа идроки, ижодий ва мусиқий қобилиятларини ривожлантириш учун бола рухияти, онги, тафаккури, хотираси, тасаввури қонуниятлари, унинг кўринишлари, ривожланиш босқичлари ҳақидаги билимларга, мусиқий қобилият, инсон фаолияти нима эканлиги хусусидаги тушунчаларга эга бўлиш шарт.

Мусиқа ўқитиши методикаси умумий таълимнинг мураккаб ва кўпкиррали мақсадларини ҳамда мусиқа таълим-тарбияси вазифаларини самарали ҳал этиш учун педагогика ва психология фанлари билан бир қаторда мусиқашунослик илми ва мусиқа ижрочилиги соҳаларига ҳам таянади.

Мусиқашунослик илмининг мусиқий тарихий-назарий фанлар мазмуни ўқувчиларга мусиқий санъат хусусиятларини етказиш йўлларини топишга, уларга ҳаётнинг мусиқий образларда акс этиши, мусиқий ифода воситаларининг аҳамиятини тушунтиришда, мусиқий асарларни бадиий таҳлил қилиш методлари ва технологияларини аниклашда ёрдам беради. Мусиқа тарихи, асосий йўналишлар, услугуб ва жанрларнинг ривожланиши, йирик композиторларнинг ўзига хос ижод йўли ҳақидаги билимлар мактаб ўқувчиларининг мусиқий дидини тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга асос бўлади.

Ҳар бир ижрочилик синфи: якка кўйлаш, дирижёрлик, мусиқа асбоби бўлгуси муаллимда ўқувчилар билан ишлашда уларда овозни сақлаш ва ривожлантириш, хор билан ишлаш мусиқий асарни ифодали ижрода кўрсата олиш – ўқувчиларда мусиқага ижодкорлик хиссини ўстириш малакаларини шакллантириш билан методикага ўз ҳиссасини кўшади.

Мусиқа ўқитиши методикаси фанининг асосий тушунчалари **“тарбия-таълим”** – **«ривожлантириш»** ва уларнинг ўзаро боғлиқлигидир.

Тарбия. Педагогикада тарбия деганда болалар, ўсмирлар, ёшларнинг жисмоний, маънавий кучларини ривожлантириш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш тушунилади.

Ҳаётни акс эттириши, ҳаёт билан боғлиқлиги, унинг мусиқа ижодкори, ижрочиси ва тингловчисининг ҳаётий қарашларига боғлиқлиги мусиқани тарбия воситасига айлантиради. Мусиқий тарбия жараённада ўқувчида ахлоқий, ақлий, эстетик жисмоний сифатлар таркиб топади.

Таълим – билимлар мажмуасини ўзлаштириш жараёнидир. Хусусан, мусиқий таълим ўқувчиларни турли мусиқий фаолиятга ўргатиш, мусиқий тасаввур, билим, малака ва кўнимкамалар бериш ва бу билимларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш жараёнидир.

Ривожлантириш – энг оддий, содда мусиқийлик кўринишларидан мураккабларига қараб такомиллашиш. Бошқача айтганда, мусиқий

қобилиятнинг ўсиши ва шаклланиши жараёни ривожланишни ҳосил килади.

Ўқувчиларга мусиқий таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш ишлари яхлитликда олиб борилиши мусиқа педагогикасининг энг муҳим қонуниятлариdir.

1.2. Мусиқа ўқитиши принциплари

Мусиқа ўқитиши принциплари – мусиқий таълим-тарбия жараёнига кўйиладиган талаблар йигиндисидир.

Мусиқа ўқитиши методикаси педагогика фани сифатида унинг умумий қонуниятларига бўйсунади ва умумдидактик принципларга асосланади:

- тарбияловчи таълим;
- илмийлик, тизимлилик ва изчиллик;
- мусиқий материалнинг қулайлиги ва болалар ёшига мослиги;
- кўргазмалилик;
- тасаввур, билим, малака ва кўникмаларнинг мустаҳкамлилиги;
- ўқувчилар мусиқий фаолиятининг фаоллиги, мустакиллиги;
- мусиқий тарбияянинг ҳаёт билан боғликлиги.

Мазкур принциплар ўқитувчи хамда ўқувчилар томонидан бажариладиган барча *таълим компонентлари* – дарс мазмуни, методлари, дарс тузилишидаги асосий талаблар ва йўналишларни белгилаб беради.

Шу билан бир қаторда мусиқа ўқитиши методикаси ўзининг хусусий принципларини ҳам илгари суради. Булардан: *эмоционаллик ва онглийкнинг бирлиги* ҳамда *бадиийлик ва техниканинг бирлиги* принципларини кўриб чиқамиз.

Эмоционаллик ва онглийкнинг бирлиги принципи. Бу принципнинг зарурлиги мусиқа санъати ва уни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Мусиқани идрок этишни ривожлантириш ундан олинган ҳиссий таассуротлар, унинг ифода воситаларини англашни талаб этади. Мусиқий асарни тинглашдан олинган ҳиссий таъсирни онг билан қабул қилиш унинг мазмунини тушунишга, ўқувчиларда мусиқий тажриба тўплашга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг фикри, кечинмалари, ҳиссиятларини бойитади, мусиқанинг таъсирини кучайтиради. Мазкур принципни мусиқа ўқитишида кўллаш ўқувчиларда идрок этилган асарга баҳо бериш

қобилиягини ўстиради ва шу асосда уларнинг қизиқиши, мусиқий диди, эҳтиёжлари тарбияланади.

Бадиийлик ва техниканинг бирлиги принципи. Мусиқий асарни бадиий ва ифодали ижро этиш учун маълум бир малака ва кўнималар талаб этилади. Масалан, кўшикни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда вокал-хор малакалари шакллантирилади. Болалар чолгуларидаги ижро этиш учун ҳам биргаликда чалишнинг энг оддий усул ва йўлларини ўқувчилар эгаллашлари лозим. Бунда ижрочилик малакалари бадиий вазифаларга, яъни мусиқий асар образи, кайфиятининг ёрқин, ифодали ёритилишига қаратилган бўлиши талаб этилади. Бунда мусиқий асарнинг бадиий ижросига эришиш *мақсад* бўлиб, малака ва кўнималарни эгаллаш шу мақсадга етишишда *воситадир*.

Бу принциплар ўқувчиларда мусиқий қобилиятларни, мусиқага қизиқишини, дид ва мусиқа маданиятини ривожлантиришга қаратилган.

Мусиқий қобилиятлар, уларнинг турлари, махсус (ижрочилик, бастакорлик) ва умумий мусиқий қобилиятлар, уларнинг ривожланиш шарт-шароитлари масалалари кўплаб психолог (Б. Теплов, В.Мясишев, Б.Яворский, В.Петрушин ва ҳк.), педагоглар (Л.Баренбойм, В.Белобородова, Ю.Алиев, Н.Ветлугина), мусиқашунослар (Б.Асафьев, А.Алексеев ва б.) томонидан кенг ўрганиб чиқилган. Ҳозирда ҳам бу муаммолар ўз долзарблигини саклаб келмоқда.

Мутахассислар мусиқий эшитув, ритм ҳисси, мусиқий хотирани мусиқий қобилиятларнинг асосий кўринишлари деб белгилайдилар.

Мусиқий эшитув қобилияти – бу товушнинг баланд-пастлиги, кучи, тембри ва давомийлигини ҳис этишдир.

Мусиқий ритм түйғуси – мусиқадаги вақт-ўлчовли ҳаракатни, унинг ифодавийлигини ҳис этиш, аниқ ижро этиш қобилиятидир.

Мусиқий хотира – бу мусиқий асарни тез ва узоқ вақт ёдда эслаб қолиш қобилияти. Бу қобилиятлар умумлашма ном билан мусиқий педагогика амалиётида **мусиқийлик** деб ҳам юритилади. Аммо мусиқийлик З та қобилият билан чекланмайди. Мусиқийликнинг асосини мусиқадаги ифодавий мазмун, образни тушуна олиш, унга ҳиссий муносабат кўрсата олиш қобилиятлари ҳам ҳосил киласди. Дарсда ўқувчиларни мусиқани дикқат билан тинглаш, асарларни қиёслаш, таққослаш, энг ёрқин ва идрок этилган асарларга баҳо бера олишга ўргатиш, мусиқа ижрошлиги учун лозим бўлган малака ва кўнималарга ўргатиш – мусиқий қобилиятларни ривожлантириш демакдир.

Савол ва топшириқлар

1. Мусиқа ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини ёритиб беринг.
2. Мусиқа санъатининг тарбиявий имконияти нималарда акс этади?
3. Мусиқа ўқитиши қандай дидактик ва хусусий принципларга асосланади?
4. Мусиқий қобилиятлар ва уларни ривожлантиришнинг аҳамиятини тушунтиринг.
5. «Дарс компонентлари» тушунчасини ёритиб беринг.

Амалий машғулот саволлари

1. Мусиқа санъатининг эстетик тарбиядаги аҳамияти.
2. Мусиқада ифодавийлик ва тасвирийлик.
3. Мусиқа элементларининг ифодавийлик хусусиятлари.
4. Мусиқа дарсларида дидактик ва хусусий принципларини амалга ошириш.
5. «Мусиқанинг санъат сифатидаги ўзига хос хусусиятлари» мавзусида маъруза тайёрлаш.

II БҮЛІМ

«МУСИҚА МАДАНИЯТИ» ДАРСЛАРИ ҮҚУВ ФАНИ СИФАТИДА

2.1. «Мусиқа маданияти» дарсларининг мақсад *ва вазифалари*

2000 йилда Давлат таълим стандарти асосида тасдиқланган умумтаълим мактаблари мусиқа дастури ва үқув предмети эндилиқда «Мусиқа маданияти» деб аталиши бежиз әмас. Шу дастурга кўра «миллий мусиқа таълим тарбиянинг *мақсади* ёш авлодни миллий мусиқа меросига ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказиш», яъни үқувчиларда мусиқа маданиятини шакллантиришдир.

«Үқувчининг мусиқий маданияти» тушунчаси кенг қароровли бўлиб, куйидагиларни ўз ичига олади:

- үқувчининг ижтимоий-бадиий шахсий тажрибаси – ахлоқий эстетик қарашлари, хиссиётлари, дид ва эҳтиёjlари;
- үқувчининг мусиқий ривожланганлиги – мусиқа санъатига қизиқиши, мусиқага эмоционал муносабати, мусиқий кузатувчанлиги, турли хил бадиий мусиқа намуналарига бўлган эҳтиёжи;
- үқувчининг мусиқий билимлари – мусиқани идрок ва ижро этиш учун лозим бўлган тасаввур, билим, малака ва кўнимкага эгалиги, санъат ва ҳаётга ҳиссий муносабати, ривожланган мусиқий-эстетик диди, мусиқага бўлган танқидий саралаш муносабати ва хк.

Үқувчиларда мусиқа маданиятини шакллантириш мақсадида бир катор *вазифалар* белгиланади:

- мусиқий таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаб олиб бориш;
- үқувчиларнинг мусиқа санъатига меҳр, қизиқишиларини ўстириш;
- мусиқий-бадиий дидни ва мусиқа фаолиятларига эҳтиёжини ривожлантириш;
- мусиқа ҳақида билим, малакалар доирасини таркиб топтириш;
- иқтидорли үқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари учун шароит яратиб бериш ва уларнинг бадиий эҳтиёжини қондириш;
- мусиқий фаолиятлар жараённада бадиий-ижодкорлик ҳистайғуларини ривожлантириш;

- мусиқий асарларнинг бадиий-ғоявий мазмуни воситасида ўқувчиларда ахлоқий-эстетик қарашларни тарбиялаш.

Мусиқа ҳақидаги билимларни тизимли равища ўзлаштириш, малака ва кўнималарни шакллантириш, биринчи навбатда, болаларда хиссий таъсирчанликни, мусиқага қизиқишни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим. «Тарбиянинг энг олий кўриниши – туйғулар тарбияси» деб ёзди қозоқ шоири М.Шохонов.

Умумтаълим мактабларида мусиқа таълими аниқ ишлаб чиқилган тизим асосида олиб борилади. Бу тизим ўзаро боғланган тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи вазифаларни ўз ичига олади.

Тарбиявий вазифаларга ўқувчиларда мусиқага бўлган қизиқиш ва муҳаббатни, мусиқа билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжини тарбиялаш, уларда эстетик ҳисларни, бадиий дид, ахлоқий сифатлар ва дунёқарашларни тарбиялаш киради.

Таълимий вазифаларга ўқувчиларни мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, болалар чолғуларида чалиш, мусиқа саводи, мусиқа-ритмик ҳаракатлар бажариш каби турли мусиқий фаолиятларга ўргатиш; уларни ўзбек халқи ва жаҳон мусиқа маданиятининг нодир асарлари билан танишириш, уларга мусиқа ҳақида, композиторлар ва ижодкорлар, чолғулар, қўшиқчилик овозлари, жанр, услугуб, шакллар ва хоказо ҳақида билим-тасаввур ва малакалар бериш киради.

Ривожлантирувчи вазифалар ўқувчиларда мусиқий-ижодий қобилиятларни, мусиқий идрок ва диққатни, тасаввур, мусиқий эшитув ва хотирини, куйлаш овозлари, мусиқий асар ҳақида ижодий фикр юрита олиш ва унга баҳо бериш малакаларини ҳосил қилишни назарда тутади.

Ўқувчиларга мусиқий таълим бериш тарбияловчи ва ривожлантирувчи бўлиши лозим. Бу мусиқий педагогиканинг муҳим талабларидан биридир.

2.2. «Мусиқа маданияти» дарсларининг хусусияти ва тузилиши

Мусиқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари унинг мазмуни ва шаклини белгилайди.

Мусиқа дарси – мактабда мусиқа ўқитишини ташкил этишнинг асосий шаклидир. Мактабда мусиқий тўгараклар, факультатив машғулотлар олиб борилади, аммо дарс ҳамма болаларни ялпи тарзда камраб олиши сабабли ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Мусиқа дарслари бир қатор хусусиятларига кўра бошқа фанлардан фарқ қиласди:

биринчидан – мусиқа дарслари бошқа мактаб фанларидан ўзининг бадиийлиги, болаларда эмоционал туйғу ва кечинмалар уйғотиши билан ажралиб туради. Мусиқа айниқса, болаларнинг ақлий ва ахлоқий ривожига катта ижобий таъсир кўрсатади. Ижобий ҳис-туйғу инсоннинг ақлий фаолиятини ўстиради. Физиологларнинг айтишича, бола ақлий ривожининг калити унинг ҳиссиёти соҳасида туради. Мусиқа машғулотлари болаларнинг бадиий қобилиятларини ривожлантириб, уларда ижодий куч, тасаввур, фантазияни уйғотади. Қадимдан маълумки, бадиий ижодий тасаввур билан илмий фикрлаш ўртасида катта боғлиқлик бор. В.Белинский айганидек: «Илм ва санъат мазмуни бир. Олим фикрлар тизими асосида ишонтиради, ижодкор – образлар билан. Аммо иккаласи ҳам бир ҳил ишонтиради».

Мусиқий асардан олинган эмоционал таъсир ўқитувчининг ифодали ижроси, мимика, ҳаракат, сўз орқали янада кучаяди. Бутун дарс мусиқа билан «сугорилган» бўлиши лозим. **Мусиқа-болалар-ўқитувчи** – дарснинг асосий бўғинларидир.

иккинчидан – у мусиқа тарихи, назарияси ва ижрочилигига доир турли намуналардан кўйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, мусиқа таҳлили ва адабиёти элементларидан иборат;

учинчидан – мусиқа дарси ўқувчилар томонидан бажариладиган турли мусиқий фаолиятларни ўз ичига олади. Бошланғич синфларда кўйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, ритмик ҳарактерлар, болалар чолғуларида ижро, ижодкорлик каби фаолиятлар қўлланилса, ўрта синфларда дарс асосан тўрта фаолият: тинглаш, кўйлаш ва мусиқа саводи ва мусиқа ижодкорлиги асосида олиб борилади.

Хозирда амалга тадбик этилган бу янги дастур мавзули тузилишига эга, яъни йил, чорак ва дарс мавзулари, мусиқанинг «тили», бойлиги, ўзига хос мазмуни, мусиқа санъатининг бошқа санъатлар – ранг тасвир, адабиёт, рақс билан боғлиқлигини муайян кетма-кетлик асосида ёритиб беради.

Дарсда ўқувчилар ўзбек халқ мусиқаси, ўзбек композиторларининг ёрқин ажойиб асарлари ва жаҳон мусиқасининг намуналари билан танишадилар. Ўзбек мумтоз мусиқа меросининг нодир асарлари билан танишиш ва ўзлаштириш ўқувчиларда мусиқа маданиятини шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Мусиқа дастури болалар боғчаси ва мактаб билан узвийлик ҳосил қиласи. Бошланғич синфлар дастури болалар боғчасида мусиқа машгулолтлари таркибий тузилишини сақлаб қолган: 6-7 ёшли боғча болалари мусиқа тинглайдилар, күшик ўрганадилар, ракслар ва ўйинлар бажарадилар, мураккаб бўлмаган мусиқий парчаларни болалар чолғуларида ижро этадилар. Мусиқий фаолиятларнинг бундай турлилиги болалар мусиқий қобилиятларини ривожлантириш омилидир.

Бир мусиқа асарини идрок этиш (tingглаш) күшиқ, ритмик ҳаракатларни ўрганиш учун бир неча дарслар талаб этиладики, бир дарснинг ўзида ҳам янги асар билан танишув, ҳам олдинги дарсда ўрганилган күшиқ, асар устида иш олиб боришни давом эттириш содир бўлади. Масалан, 1-синф ўқувчилари дарсда И.Акбаровнинг «Онажонлар» кўшигини ижро этадилар, Н.Норхўжаевнинг «Каклигим» кўшигини ўрганишни давом эттирадилар, олдинги дарсдан таниш бўлган «Алла» куйини (И.Акбаров) тинглайдилар, «топишмоқ» мусиқий-дидактик ўйинида иштирок этадилар ва ноталар чўзимини ўрганадилар.

Дарс мазмунига ҳарактери, кайфияти, турлича бўлган асарлар киради, шунинг учун дарснинг мантиқан яхлитлигига эришишда дарснинг тузилишини, яъни фаолият турларининг кетма-кетлиги, дарсда «ҳиссий созни» ушлаб туриш мақсадида бир асардан иккинчисига ўтиш йўлларини топиш, аниқлаш муҳимдир. Дарс тузилишини режалаштиришда ўқувчиларнинг жисмоний, эмоционал, ақлий ҳолатларини ҳисобга олиш лозим. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларининг дикқатлари турғун бўлмаслиги сабабли, фаолият турларини алмаштириб туриш, дарсга қизиқишни орттиради; мураккаб күшиқ, асарни ўрганишда бир дарс давомида ҳадеб қайтаришдан кўра, бир неча дарс давомида ўрганиш мақсадга мувофиқ; қийин мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажаришдан сўнг тўғридан-тўғри кўшиқ куйлашга ўтиш яхши эмас, чунки куйлаш учун сокин нафас ва дикқатни жамлаш талаб этилади ва ҳк.

Дарс асосан олдиндан тайёрланган режа асосида ўтиши керак. Дарсларга тайёргарлик кўриш ўқитувчининг билими, маҳоратига боғлиқ бўлиб, мусиқий материалнинг тарбиявий таълимий ва ривожлантирувчи тарафлари ҳамда уларни амалга ошириш йўллари, имкониятлари, методларини аниқлашда ўз ифодасини топади. Ҳар бир мусиқий асарни чуқур ўрганиш, болалар ёш хусусиятлари, уларнинг мусиқий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда асар танлаш мусиқий таълим-тарбияни муваффақиятини белгилайди.

Режалаштиришда дарснинг мақсади, вазифалари, мазмуни (музиқий репертуари) ва тузилиши (фаолият турларининг кетма-кетлиги), воситалари, таълим методлари ва технологиялари аниqlанади.

Замонавий мусиқа дарсини маҳсус жиҳозларсиз тасаввур этиш кийин. Мусиқа хонасининг эстетик безатилиши турлича бўлиши мумкин, аммо у санъат дарси мухитини юзага келтириши лозим. Дарсга турли чолғулар, аудио ва видео техникалари, болалар чолғулари, композиторлар портретлари, фонохрестоматиялар, рангтасвир асарлари репродукциялари нота жадваллари талаб этилади. Бу воситалар ўкувчиларга турли мусиқий асарларни бир неча ижрода қўрсатиш, уларнинг мусиқа чолғулари тембр хусусиятларини ўрганишларида, мусиқа асарларини тўлақонли идрок этишларида, уларда ижрочилик ва ижодкорлик қобилиятларини ўстиришда (ўкувчилар ижроси ва мусиқий ижодкорлик элементларини магнитофонга ёзиш ва эшилтириш), катта имконият ҳосил қиласди.

Шундай қилиб, дарсга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш мусиқа ўқитувчисидан ижодий ёндошув, касбий билим, тажриба ва маҳорат талаб этади.

Савол ва топшириқлар

1. Умумтаълим мактабларида мусиқий таълим-тарбиянинг мақсади, вазифалари қандай?
2. «Мусиқа маданияти» тушунчасига тавсиф беринг.
3. Мусиқа дарсларининг тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи вазифалари нималардан иборат?
4. «Мусиқа маданияти» дарсларининг ўзига хос хусусиятлари нимада акс этади?

Амалий машғулот саволлари

1. Ўкувчиларни дарсда мусиқага қизиқтириш муаммолари ва уларда аниқ билим, малака, кўникмалар ҳосил қилиш.
2. Янги «мусиқа маданияти» дастурининг асосий моҳияти.
3. Дарс мавзуининг ажralмас қисми ва мантиқан узвий бўлаги сифатида амал қиласидиган мусиқий фаолият турлари.
4. Мусиқа дарси – мактаб предмети ва санъат дарси сифатида.
5. Дарсга тайёргарлик кўришда ва режалаштиришда ўқитувчининг ижодий ёндошуви.

III БҮЛЛИМ

МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИ ВА УНГА БҮЛГАН ТАЛАБЛАР

3.1. Мусиқа ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги

Педагогик фаолият – инсонлар меҳнатининг энг мураккаб, маъсулиятли соҳаларидан биридир. Ўқитувчи юқори малакали, ғоявий, маънавий, маърифий жиҳатдан етук, ахлоқан соғ бўлиши жамият талабидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конуни мазмунида умумтаълим мактабларида таълим тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш ва бу ишга ижодкорлик билан ёндашиш талаб этилади.

Шарқ алломаларидан Ризоутдин ибн Фахриддин ўзининг «Одоби таълим» китобида шундай деб айтади:

«Гар усули тарбият олган муаллим берса дарс,
Этгуси шогирдларин олим ва доно – тарбият».

Мусиқа ўқитувчиси касби инсондан доимо ўз шахсини такомиллаштириш, ўзининг мусиқий қизиқишларини, ижодий қобилиятларини ривожлантиришни талаб этади. Мусиқа ўқитувчиси нафакат ўз мутахассислиги «сирларини» аъло даражада билиши лозим, балки мактабда ўқувчиларнинг мағкуравий дунёқарашларини, тушунча ва тасаввурларини шакллантиришда лозим бўлган билимларга эга бўлиши шарт.

Мусиқа ўқитувчиси:

- мусиқа асбобини яхши чалиши, ёқимли овозда куйлаши (дарсда грам ёзувлардан фойдаланишга тўғри келади, аммо ўқитувчининг жонли ижроси болаларда катта ҳиссиёт ҳосил қиласди);
- нозик мусиқий дид ва ривожланган мусиқий эшитув қобилиятига эга бўлиши;
- мусиқий-назарий билимлар доирасига эга бўлиши;
- мусиқий асарларни бадиий-педагогик таҳлил қила олиши;
- дирижёрлик малакаларини кўрсата олиши;
- мусиқани бошқа бадиий фанлар билан узвий боғлай олиши;
- мусиқа таълими ва тарбиясидаги янги усул, воситаларни, замонавий технологияларни эгаллаши ва улардан оқилона фойдалана олиши катта аҳамият касб этади.

3.2. Мусиқа ўқитувчисининг ижодий фаолияти

Хозирги даврда мусиқа муаллими касби, фаолияти, профессионал тайёргарлигига бўлган талаблар илмий-педагогик изланишларга асос бўлмоқда. Бу борада таникли мусиқачи-педагоглар, ҳақидаги эсадаликлар, уларнинг педагогик фаолиятлари натижаларини ўрганишга қаратилган бир катор изланишлар аҳамият касб этади.

Мусиқа ўқитувчисининг касби ўз хусусиятига кўра ижодий фаолиятнинг кўп қирраларини ҳосил қиласди:

тадқиқотчилик фаолияти: ўқитувчи дарсга лозим бўлган мусиқий асарларни танлаш ва таҳлил қилиши, уларнинг эмоционал таъсиричанигини аниқлаш; ёш ва индивидуал хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда болаларда мусиқа идроки хусусиятларини ўрганиши, етакчи ўқитувчиларнинг иш методларини ўрганиши; ўз ишининг натижаларини таҳлил қилиши ҳамда мусиқий ва методик адабиётлар билан ишлаши, унда илмий изланиш малакалари бўлиши тадқиқотчилик фаолиятига киради.

лойиҳалаштирув фаолияти: болаларда мусиқа ижодкорлигини шакллантиришга қаратилган ўкув тарбия вазифалар, малака ва кўнижмаларнинг ўқитувчи томонидан режалаштирилиши лойиҳалаштирув фаолиятини ташкил этади. Ижодий режалаштириш борасида ўз ишларини, тажрибаларини орттира бориб, ўқитувчи ўзида ўкув-тарбия вазифаларини белгилаш, таълим жараённида кўлланилиши лозим бўлган усул ва йўллар, методлар, педагогик технологияларни олдиндан кўра билиш малакаларини ривожлантиради.

конструктив фаолияти: бунга мусиқа дарслари ишланмасини тайёрлаш, синфдан ташкари оммавий тадбирлар сценарийси ва тўғарак машғулотларини тузиш киради.

коммуникатив фаолияти: ўқитувчи ўкувчилар, педагогик жамоа билан мақсадга мувофиқ муносабат ўrnата олиши, ўкувчиларни ўзига мойил қилиши, улар орасида яхши муносабат ўrnата олиши лозим, яъни яна бир санъат, мулоқат санъатини эгаллаши керакдир. Мусиқа ўқитувчисининг шахси машғулотларда тўлалигича намоён бўлади. Мусиқий асарни ижро этиш ва бу асар ҳақида сўзлаш, асарга ўзининг эмоционал муносабатини билдира бориб, болаларда таассуротни кучайтириш, ўкувчиларнинг хиссиятларига, таасуротларига доимий эътибор бериш орқали уларда ўқитувчига нисбатан хурмат ва ишончни орттириш ўқитувчининг коммуникатив қобилиятини кўрсатади.

ташкилотчилик фаолияти: ўқитувчи тарбияланувчилар орасидан иқтидорлиларини танлаб олади ва улар билан алоҳида ишлар олиб боради, ўзи раҳбарлик қилаётган синфда педагогик ишларни амалга оширади. Ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида маънавий-маърифий ишларни тўғри ташкил этади.

3.3. Мусиқа ўқитувчисининг педагогик маҳорати

Ўқувчиларнинг ақлий ва ахлоқий камолотида мусиқа ўқитувчиси шахси алоҳида ўрин тутади. Унинг дунёкараши кенг, қалби пок, ширин сўз, болажон бўлмоғи лозим. Бундай фазилатларни ҳар қандай шахсда ҳам тарбиялаб бўлмайди. У маълум маънода туғма бўлади.

Педагогик маҳорат ёки санъат – бу қандайдир қўл билан тутиб бўлмайдиган, фаҳм-фаросат билан амалга ошириладиган жараён, изланишлар, кечинмалар, кўпдан-кўп кундалик ишлар, болалар билан олиб бориладиган дақиқалар демакдир. Бу – билимларнинг илмийлиги, тарбиядаги муаммоларни ечишга қодирлик, бола шахсига эътибор билан ёндашиш, ривожланган тасаввур ва ҳоказолар йиғиндисидир.

Ҳозирги замон мусиқа ўқитувчисининг ижодий фаолиятида педагогик маҳорат қуидагиларда яққол намоён бўлади:

- мусиқа тарбиясида янги усул ва воситаларни излашда, уларни анъянавий усуллар билан моҳирона боғлаб олиб борища;
- ҳаёт ва мусиқа санъати ўртасидаги боғлиқликни кўрсата олиш ва ўргатища;
- мусиқанинг мазмуни ва маъносини болаларга етказища, фанлараро алоқани амалга оширища;
- мусиқа ўқитувчисининг ўз устида доимо ишлаши ва ижодий изланишида.

Ўқитувчининг юқори профессионал тайёргарлиги мусиқа дарсларининг такомиллашувида ҳамда мусиқа санъатининг тарбиявий потенциалини амалга оширища катта аҳамият касб этади.

Савол ва топшириқлар

1. Мусиқа ўқитувчисига бўлган асосий талабларни айтинг.
2. Мусиқа ўқитувчиси педагогик маҳорати нималарда акс этади?

Амалий машгүүрт саволлари

1. Мусиқа ўқитувчисининг педагогик-психологик тайёргарлиги.
2. Мусиқа ўқитувчисининг мусиқий-методик тайёргарлиги.
3. Мусиқа ўқитувчисининг изланувчинлиги.

IV БҮЛІМ

МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

4.1. Мусиқа үқитишининг асосий методлари

Методика үқилаётган фан хусусиятларини, үқитишининг мақсад ва вазифалари, үқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дидактиканиң принциплари асосида үқув-музиқий материалнинг ўзлаштирилиши йўлларини амалга татбиқ этади.

Метод юонон тилидан олинган бўлиб, «изланиш йўли», «ўрганиш воситаси» маъноларини англатади.

Фан ва санъатнинг йирик намоёндалари ўз рисолаларида мусиқа дарслари санъат дарси сифатида жуда катта тарбиявий потенциалга эга эканлигини таъкидлаб келгандар.

XX аср музикй педагогика амалиётида, методик рисолалар, махсус изланишларда мактаб мусиқа шароитида фаолият турлари бўйича қўлланиладиган кўплаб метод ва усуслар тўпланган. Б.Асафьев, В.Шчацкая, Н.Гродзенская, В.Белобородов, М.Румер, Ю.Алиев, В.Соколов, Р.Ригина, Д.Кабалевский, Н.Ветлугина, Э.Абдулин ва кўплаб бошқа муаллифларни келтириш мумкин.

Мусиқа үқитиши методлари «Мусиқа маданияти» дарсларида үқитувчи ва үқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятлари асосини ташкил этади. Үқитувчи – бу фаолиятни бошқаради. Үқитувчи томонидан қўлланиладиган барча методлар үқувчиларда ахлоқий, бадиий дидни *тарбиялаши*, музикй қобилиятларни *шакллантириши*, музикй идрокни *бошқарии*, ижодий фаолликка ундашга қаратилган бўлиши лозим.

Мусиқа дарсларида қўлланиладиган асосий методлар қуйидагилар: оғзаки, кўргазмали-информатив, бадиий-амалий.

ОҒЗАКИ МЕТОД (ҳикоя, сухбат, тушунтириш, изоҳлаш, илова) – асарнинг мазмунини очишга ёрдам беради, асарни онгли ижросига эришишга тайёрлайди, үқувчиларнинг ҳиссий кечинмаларига йўналиш беради. Оғзаки методларни қўллаш үқувчиларнинг ёшига, музикй тайёргарлигига ҳамда музикй асар хусусиятига боғлик.

Ҳикоя – ўқитувчи томонидан ўқувчиларни мусиқа тинглашга «тайёрлаш», «созлаш» мақсадида қўлланиладиган жонли, ёрқин баён. Асосан уч ҳолатда қўлланиши мумкин:

- композиторнинг ҳаёти ва ижод йўлида ҳикоябоп воқеа ва лавҳалар мавжуд бўлса (В.Моцарт, Л.Бетховен, Ю.Ражабий, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловлар ижодларида);

- мусиқий асарнинг яратилиши тарихи баёнида;

- болаларни йирик чолғу ва саҳна асарлари образларига олиб киришда (У.Мусаевнинг «Тўмарис» балети, А.Мансуровнинг «Ҳайвонлар султони», С.Юдаковнинг «Майсарапнинг иши», М.Ашрафийнинг «Дилором», Т.Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухра» мусиқали драмаси ва ҳ.).

Суҳбат – ўқувчиларни мустақил фикрлашга, мусиқани фаол ва қизиқиш билан идрок этишга ундидаи. Тингланган асар юзасидан бўладиган бу фикр алмашинув жараёнида маҳоратли ўқитувчи **муаммоли ҳолатлар**, таҳлил, таққослашларни қўллаган ҳолда болаларнинг эътиборини мусиқий асарнинг ўзига хослигига, бой ифода воситаларига қаратади, мусиқий образларга аниқ поэтик тавсифлар беришларида, ҳаётий қиёслашларга эришишларида ёрдам беради. Д.Кабалевский суҳбат методига мусиқа дарсини ўтказиш шакли сифатида катта аҳамият беради. У ўзининг «Болаларга мусиқа ҳакида қандай сўзлаш лозим» китобида суҳбатнинг «ҳикоя-суҳбат» ва «суҳбат-диалог» турларини келтиради.

Ҳикоя, суҳбатлар жараёнида асар, унинг фрагментини тинглатиш ўқитувчи ва ўқувчилар мулокатини янада тўлдиради.

Тушунтириши, изоҳлашлар – мусиқа саводи элементлари билан болаларни таништиришда, чолғуларда ижрога ўргатишда, қўшиқ айттириш, ритмик харакатларни бажаришда қўлланилади.

КЎРГАЗМАЛИ-ИНФОРМАТИВ МЕТОДЛАР: Мусиқий асарни ижрода кўрсатиш, асарни қисман кўрсатиш, мусиқали ихтибос (цитата), иллюстрация (илова), вокал, чолғу, дирижёрлик кўрсатиб беришлари, аудио, видео, харакатли-кўргазмали, репродукция, портрет, нота ёзувлари ва ҳоказодан иборат.

Мусиқий таълим-тарбияда кўргазмалиликнинг эшитув кўргазмалилиги, харакатланувчи ва кўриб идрок этиш кўргазмалилиги турлари мавжуд. Эшитув кўргазмалилиги – бу мусиқанинг ифодали ижросидир. Жаранглаётган мусиқа дарснинг барча қисмлари асоси

бўлиб хизмат қиласи. «Мусиқанинг жонли янграши дарсда асосий кўргазма бўлиб хизмат қиласи», деб ёзади Н.Л.Гродзенская. Мусиқани тинглаш, эшлиш, идрок этиш мураккаб иш, чунки ҳар бир мусиқий асарнинг мазмуни доимо ҳаракатда ва ўзаро боғлиқлиқда бўлган ифода воситалари мажмуаси билан берилади. Шунинг учун ўқувчиларда аввало тингловчилик малакаларини ривожлантириш лозим, яни мусиқани доимо бошидан охириги товушигача тинглаш, «кузатиш»га ўргатиб борилади. Бу жараёнда ўқитувчининг сўзи мусиқий образлар оламини тушуниш, ҳис этишга ёрдам беради.

Ҳаракатланувчи ва кўриб идрок этиши кўргазмалилиги.

Ўқувчиларни куйнинг график тасвири, нота ёзувлари, товуш баландлиги, метро-ритм, лад муносабатлари, шакллар, жанр, интерваллар ва ҳк. билан таниширишда ишлатилади. Бундан ташқари, вокал-хор ва мусиқа саводхонлиги ишларида дирижёрлик, мусиқани тактлаш, чалиб кўрсатиш, дирижёрлик ифодалари, регистр, ритмни график ифодалаш каби кўргазмалилик кўлланилади.

БАДИЙ-АМАЛИЙ МЕТОДЛАР

Ўқувчиларда малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган методларга айтилади. Бадиий-амалий методлар воситасида ўқувчиларда вокал-хор малакалари, мусиқанинг тузилиши, мусиқа ифода воситаларини таҳлил қилиш, унинг жанр, шаклларини аниқлаш, нота ёзувини ўрганиш, чолгуларда ижрочилик, бадиий ижодкорлик малака ва кўникмалари шакллантирилади. Масалан, чолгу ижрочилигига ўргатища ижрони бирга бошлаш, бирга тугатиш, бир-бирини эшлиши малакалари устида ишлаганда чалиб кўрсатиш, тушунтириш, эслатиш, қайтариш усулларидан фойдаланилади. Вокал-хор ишларида қўшиқчилик нафаси, соф унисон талаффуз, соз малака ва кўникмаларини ўстиришда машқларни куйлаш, тактлаш, дирижёрлик ифодаоарига эътиборни қаратиш, ритмик чапаклардан фойдаланилади. Вокал, ритмик ва рақс импровизациясида ижодкорлик малакаларини ўстириш учун мустақил ҳаракат, рағбатлантириш, таққослаш, ундаш каби воситалар кўл келади.

4.2. Мусиқа ўқитишининг хусусий методлари

Мактабда мусиқа дарсларини олиб бориш амалиёти жараёнида бир неча хусусий, яъни мусиқа санъатини ўқитишига хос бўлган методлар юзага келди. Шулардан бир канчасини кўриб чиқамиз.

КОНТРАСТ (ТАФОВУТ) – ТАҚҚОСЛАШ МЕТОДИ. Академик Б.Асафьев томонидан таклиф этилган ва мусиқани идрок этиш малакаларини ривожлантиришга қаратилган. Бадиий-педагогик таҳлил жараёнида ўқитувчи қўйған вазифаларга жавоб бериш учун болалар асарни дикқат билан тинглашлари, мусиқий образнинг ўзгариши ва ривожланишини кузатишлари, ўзларининг таассуротларини англашлари ва хуносалар қила олишларини тақозо этади.

Мусиқий тажрибаси кам бўлган кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун тафовутли (контраст) асарларни таққослаш уларда қизикиш уйғотади. Масалан, «Андижон полькаси» билан «Дилхирож» асарларини таққослаган ҳолда болалар бу асардаги умумийлик тарафларини айтишга қийналадилар. Лекин «Дилхирож» асари билан М.Мирзаевнинг «Баҳор вальси»ни таққослайдиган бўлсак, болалар бу асардаги тафовутни ва умумийликни тез англайдилар. «Баҳор вальси» асарида майнлик, куйчанлик борлиги, куйнинг «айланма» ҳаракатга эга эканлиги, «Дилхирож» эса шўх, шахдам, кувноқ ҳаракатчанлигини ҳис этадилар. Бу асарлар ракс жанрига мансублиги улардаги умумийликни хосил қилишини билиб оладилар.

«МУСИҚИЙ ТАСАВВУРНИ БУЗИШ» МЕТОДИ. Мусиқага эмоционал таъсирчанликни, мусиқа «нутки» элементларининг ифодавийлиги ҳакидаги тасаввурни шакллантириши методидан бошқача йўл билан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи болаларга яхши таниш бўлган асарнинг маълум бир ифода воситасини ўзгартирган ҳолда ижро этади ва болаларга мусиқанинг характеристи ўзгарган ёки ўзгармаганлигини аниқлашни таклиф этади. Вазифани ҳал этилиши жараёнида болалар мусиқа ифода воситаларининг аҳамиятини тўлароқ тушунадилар, асарларни янада дикқат билан тинглашга ҳаракат қиласидилар. Масалан, ўқитувчи Н.Норхўжаевнинг «Ҳаккалар» кўшигини ўзгартириб (ритмини соддалаштириб, суръатини секинлаштириб) ижро этса, болалар кўшиқдаги ўйноқи, ҳазил, кувноқ характер йўқолгани, асар мазмуни қўйга мос келмаслигини яққол ҳис этадилар. Ритм ва суръат бу асарда етакчи ифода воситалари эканлиги ҳакида тушунчага эга бўладилар.

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ. Мусиқий тажриба орттириш натижасида ўсмирлар катта, жиддий асарларни *қиёсий таҳлил* қилиш имкониятига эга бўладилар. Масалан, 6-синф ўқувчилари 1-чорак давомида мумтоз мусиқа, мумтоз куй ва ашуалар, Шашмақом ҳақида умумий тушунчаларга эга бўладилар ва мавзу юзасидан «Соқийнома Савти калон», «Баёт I», «Мушкилоти Дугоҳ», «Сувора» каби асарларни тинглайдилар. 3-чоракда эса Шарқ халқлари мумтоз мусиқасининг қадимдан бир-бiri билан ўзаро боғлиқликда ривожланганлигини ўрганадилар, хусусан, турк, озарбайжон, тожик ва афғон халқлари мусиқаси намуналари билан танишадилар ва қиёсий таҳлил жараёнида уларда ўзбек мусиқасига кўп жиҳатдан «мақом» жанри орқали, мусиқа ладлари, усуllар, нола ва безакларда, чолғуларда умумийлик мавжуд эканлигини билиб оладилар.

Таққослаш, қиёслаш методлари вокал-хор ишларида, мусиқа саводхонлигини ўзлаштиришда ҳам яхши самара беради.

ЭМОЦИОНАЛ ТАЪСИР ЭТИШ МЕТОДИ – ўқитувчининг мусиқий асарга образли сўз, мимика, жестлар орқали ўз муносабатини кўрсата олишида намоён бўлади. Асар кайфияти, характерига мос равишда унинг овози ҳиссий «турланади». Она алласи ҳақида майнин, илиқ, ёқимли товушда гапирса, ватанпарварлик, жасорат ифодаланган асарлар ҳақида – тантанавор, кўтаринки оҳангда сўзлайди. Бундай ифодавий усуllарни ўқитувчи мусиқанинг эмоционал таъсирини кучайтириш ва ўқувчилар таассуротини бойитиш учун қўллайди.

МУАММОЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИ. Ўсмирларда мустақилликка, ўзлигини англашга бўлган интилиш уларнинг мусиқий кизикишлари, эҳтиёжларига ҳам таъсир этади. Замонавий эстрада йўналишлари, таниқли ижрочилар ва гурухларни билиш уларга ўз дўйстлари орасида обрў олишга, ўзларини катталарадак ҳис этишга ёрдам беради. Шунинг учун ўқитувчининг «Бизга мумтоз мусиқа керакми?», ёки «Оврўпа мусиқасини билиш зарурми?», ёки «Замонавий эстрада мусиқасини жиддий санъат деб аташ мумкинми?» каби саволлари баҳсларга сабаб бўлади. Турли қарашларнинг юзага келиши *муаммоли ҳолатларни* келтириб чиқаради ва улар «баҳс-мунозара» ларда ўз ечимини топади. Бу жараёнда бирон-бир ўқувчи четда қолмайди. Мунозара жараёни ўқувчиларнинг мусиқий тажрибасини фаоллаштиради, ўз фикрини ҳимоялашга ундейди. Моҳирона ташкил этилган баҳсларда ўқитувчи ўқувчиларга турли фикр-мулоҳазаларни, улардаги зиддиятларни холисона кўрсата олишга ёрдам беради. Ҳар қайси тараф маълум бир

хулосалар чиқаради, мусиқий намуналарни келтиради, яъни фаол мунозара ўқувчиларда дунёқарашлар, ишончларни шакллантиради.

Юқорида келтирилгандан ташқари мусиқий таълим-тарбияда яна бир қатор хусусий ва инновацион методлар қўлланилади. Булар:

- **«Олдинга югуриб, орқага қайтиш»** (Д.Кабалевский) ёки **«перспектив ва ретроспектив»** методи (Э.Абдуллин) – дастур мавзулари асосида узвийлик алоқаларини ташкил қилишга, ўқувчиларда мусиқа ҳақида яхлит тасаввурларни шакллантиришига қаратилган. Узвий алоқалар З ҳолатда ҳосил қилинади:

1. Ўқув йиллари бўйича.
2. Чорак мавзулари асосида.
3. Мусиқий асарлар асосида.

- **мусиқий умулаштирув методи** (Э.Б.Абдуллин) – ўқувчилар томонидан мусиқа ҳақида чорак мавзулари асосида таянч билимлар ўзлаштиришига ҳамда дарсда мавзу асосида яхлитликка эришишга қаратилган;

- **мусиқий драматургия методи** (Э.Б.Абдуллин) – мусиқага эмоционал муносабатни фаоллаштиришга қаратилган. Дарс тузилишида конкрет шароит, ўқувчиларнинг мусиқий ривожи даражаси, фаолият турлари ва машғулот шаклларининг энг муқобил кетма-кетлигини синф шароитида хисобга олади;

- **бадиий контекст яратиш методи** (М.Красильникова) – ўқувчилар мусиқа маданиятини ривожлантиришда маълум бир давр мусиқаси «чегараларидан чиқиши» га, яъни бошқа санъатлар, тарих, табиат, ҳаётий ҳолат ва образларга мурожаат қилишга асосланган, бой бадиий-педагогик мухит яратишга қаратилган. Масалан, М.Бафоевнинг 4-симфонияси «Мовароуннахр»ни ўрганишда Навоий даври маданияти, сиёсий-ижтимоий ҳолати ва ҳоказоларга мурожаат қилиш;

- **ҳаётий ассоциациялар методи** (С.Португалов) – юқоридаги методга яқин туради. Бу метод ўқувчиларда мусиқий асар қаҳрамонининг ҳолатига яқин бўлган алоҳида эмоционал туйғулар уйғотишга қаратилган. Бундай ҳолат сухбат ёрдамида, бошқа санъатларга мурожаат қилиш орқали, ҳамда дарс ўтказишда алоҳида мухит яратиш орқали амалга оширилади. (Масалан, С.Юдаковнинг «Майсарапанинг иши» операси асосий қаҳрамонлари – Ойхон, Чўпонали ва ҳоказоларнинг мусиқий образларини идрок этишда бу методдан фойдаланиш мумкин);

- **полифоник метод** (Д.Депешева) – мусиқий дикқатни узоқ вақт ушлаб туришга қаратылған. Бунда ижрочилик таҳлили ва хиссий-маңнавий драматургия вазифалари баравар ҳал этилади. Бир асарни түрли талқин ва ижро услубларыда кетма-кет тинглаш, ижрочилик талқинларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Мусиқий таълим-тарбия методларининг турлича эканлиги мусиқа санъатининг ўзига хослиги ҳамда ўқувчилар мусиқий фаолиятининг хусусиятлари билан аниқланади. Бу методларнинг ҳар бири алоҳида қўлланмасдан, балки бир-бири билан боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдирган ҳолда узвий амалга оширилади. Масалан, ўсмирларнинг мусиқий асар билан танишувини ўқитувчи сұхбат орқали бошлаб, уларга олдин ўтилганлар юзасидан композитор ва унинг асарлари ҳақида саволлар беради (оғзаки метод); сұхбат давомида таниш фрагментларни ижро қиласи (мусиқий илова, эшичув кўргазмалилиги); асарнинг яратилиши тарихи ёки ижро тарихи, тингловчиларда қолдирган таасуроти ҳақида қизиқ маълумотлар беради (оғзаки, ундовчи методлар); ўқувчилар асарни грамёзувда тўлиқ эшигадилар (эшичув кўргазмалилиги методи), ўқитувчи саволларига жавоб берадилар, асарга ўз муносабатларини кўрсатадилар; тинглаб, асарни алоҳида фрагмент-парчаларини таққослайдилар, таҳлил қиласидилар; асарнинг асосий ғоясини аниқлайдилар (умумлаштирув методи).

Шундай қилиб, мусиқа дарсининг максадига кўра белгиланган вазифаларни амалга оширишда энг муқобил методларни танлаши, бир асар устида ҳар гал янгича шаклда ишлаши, дарсда нафакат фаол болаларни, балки пассив ўқувчиларни ҳам ишга жалб эта олиши, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлиги ҳолатини юзага келтириш – мусиқа ўқитувчисининг ижодкорлигини, маҳоратини намоён этади.

Савол ва топшириқлар

1. Мусиқа дарсларида қўлланиладиган асосий методларга тавсиф беринг.
2. Мусиқа ўқитишнинг хусусий методларига тавсиф беринг.
3. Дарсда мусиқа ўқитиш методларининг узвий боғлиқлигини тушунтиринг.
4. Ўзбек композиторлари, бастакорлари ҳаёти ва ижодида, асарларнинг яратилиши тарихида хикоябоп воқеа ва лавҳаларга мисоллар келтиринг (мактаб дастури асосида).

Амалий машғулот топшириқлари

1. Бошланғич синф дастури бүйича тингланадиган асар юзасидан сұхбат режасини тайёрлаш.
2. Ўқувчиларга құшиқ ва мусиқий-ритмик ҳаракатлар ўргатында күргазмалы ва бадий-амалий методлар ахамияти.
3. Эмоционал таъсир этиш, таққослаш-қиёслаш методлари қўлланган дарс фрагментини тайёрлаш ва талаблар гурӯҳи билан ўтказиш.
4. Мусиқий драматургия методининг дарсдаги ўрни.

В БҮЛİM

МУСИҚА ИДРОКИ (МУСИҚА ТИНГЛАШ)

5.1. Мусиқий идрок – дарсдаги етакчи фаолият турларидан бири

Умумтағым мактабларыда мусиқий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири – ўқувчиларда мусиқани идрок этиш малакаларини ўстириш, унга эмоционал муносабатни шакллантиришига эришишdir. Бу жараён дарсдаги мусиқий фаолиятларнинг барча турлари асосида амалга оширилади. Масалан, қўшиқни ўрганиш учун уни, аввало, эшитиш, куйнинг соғ оҳангига, мусиқий ривожига қулок солиш; мусиқага чолғуларда ритмик жўр бўлишда, рақс ҳаракатларини бажаришда унинг ўзгаришини ҳис этиб, асарга ўз муносабатини кўрсата олиш муҳимdir.

Шу билан бир қаторда мусиқа идроки дарсдаги фаолиятларнинг мустақил турларидан биридир. Методик адабиётларда мусиқа идроки мусиқа тинглаш деб юритилади. Бунда ўқувчилар ўzlари ижро эта оладиганга нисбатан анча мураккаб асарлар билан танишадилар. Бундай асарларни тинглаш жараёни фақатгина мусиқа билан танишувдан иборат бўлмаслиги лозим. *Мусиқа идроки* – мусиқа мазмунини (мусиқий образни) эшита билиш ва ҳиссий кечинмалари асосида ўзлаштиришdir.

Ўқувчиларда мусиқий идрокни ривожлантириши – уларни мусиқани, инсоннинг ҳиссиятлари, кечинмалари, фикрлари, ҳаётий ғоя ва образларни акс эттирувчи санъат сифатида қабул қилишга ўргатиш демакdir. Бунинг учун эса уларда мусиқага ҳиссий таъсирчанлик, қизиқишини ўстириш, мусиқий ижодий қобилияtlар, дидни ривожлантиришига қаратилган малака ва кўникмаларни шакллантириш талаб этилади. Мазкур малака ва кўникмаларнинг шаклланиши бола онгининг узок ривожланиши жараёнини талаб этади. Бадий қийматга эга асарлар ҳамда мусиқа тинглаш жараёниниң фаол бўлиши ўқувчиларда мусиқий дидни тарбиялашнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

Мусиқий идрок – мураккаб психологик жараён бўлиб, унинг асосида реал борлиқнинг образлар орқали мусиқий товушларда акс этишини эшита олиш ва ундан таъсирланиш қобилияти ётади. Мусиқий асар оламига «кириб бориш», мусиқа кайфиятини ҳис этиш, ғоясини

тушуниб етиш тингловчининг ўзига хос ижодий фаолияти туфайли рўй беради.

Мусика инсонга ўзининг ифода воситалари – оҳанг, лад, метроритм, темп, динамика, регистр, фактура, кўповозлик, шакл, гармония ва ҳоказо каби «бўёклари» уйгунилигидан таъсир этади. Бу ифода воситалари асарнинг кайфияти, гўзаллиги, мазмуни ва гоясини тингловчига етказиб беради. Аммо мусиқани тушуниш, яъни уни нафакат ҳиссий қабул қилиш, балки онг билан ҳам тушуниш, мусика нимани ифодалаётганлиги ва қандай ифодалаётганлигини ҳис этиш, мусика билан мулоқатда бўлишга эҳтиёж сезиш инсондан бадиий савия, мусиқий, ҳаётый тажриба талаб этади. Шунинг учун мусиқашунослар мусика тинглаш ақлнинг кучли фаолияти ва ўзига хос ижоддир деб таъкидлайдилар.

Идрок масалалари, хусусан мусика воситасида уни ривожлантириш муаммолари кўплаб болалар билан иш олиб борган мусиқашунослар, психологлар ва педагог олимларнинг изланишлари асосини ташкил этади. Мусиқашунос Б.Л.Яворский «Мусиқани идрок қилиш асосида фикрлаш, мусиқани «маънога эга нутқ» сифатида қабул қилиш малакаси ётади», деб таъкидлайди.

5.2. Ўқувчиларда мусиқа идрокини ривожлантириши хусусиятлари

Мусика инсонга таъсир этар экан, уни қувонтиради, ҳаяжонлантиради, ўзига қизиқиши уйғотади. Инсон туйгуларининг барча кўринишлари – қувонч ва қайфу, баҳт ва дард-алам мусикада акс этишини болалар эшитишлари, ангглашлари ва ҳис этишлари учун ўқитувчи барча шарт-шароитларни ҳосил қиласди, болаларнинг мусика билан мулоқати қувончли бўлиши учун турли воситалар кўллади. Бу эса кўпроқ дарсда кўлланиладиган мусиқий асарларга боғлиқ. Асарлар бадиий қийматга эга бўлиши, образли, қизикарли, мазмунан болаларга яқин, тили жиҳатдан мос бўлиши, болалар эҳтиёжларига жавоб бериши керак. Шу билан бирга, ўқувчиларга тинглаш учун мусиқий материал ҳавола этилаётганда уларнинг тинглаш дикқати ҳажми эътиборга олиниши лозим. 6-7 ёшли болалар 1-1,5 минут мусиқани турғун дикқат билан тинглайдилар, учинчи-тўртинчи синф ўқувчилари 4-4,5 минут жаранглайдиган мусиқий образни идрок этишлари, ўсмирлар эса 15-17 минут дикқат билан асар тинглай оладилар.

Ҳар бир боланинг қизиқиши унинг ички дунёсига мос бўлади. Маълум бир ёшдаги болаларни алоҳида қизиқишлиари бирлаштиради.

7-8 ёшдаги кичик мактаб ўқувчилари қувнок, шўх мусиқани қаҳрамонлик, ўйин мавзусига бағишланган асарларни қизиқиш билан эшигадилар. Уларни аник, ёркин образли, поэтик мазмунга, шўх усулга, оддий тил ва шаклга эга бўлган асарлар қизиқтиради. Масалан, «Оқ теракми, кўк терак», «Асп бўламан», «Дилхирож», «Читти гул», «Чаманда гул», «Чорий чамбар», «Ковушим» (ҳазил қўшик), «Лайлак келди» каби кўплаб ҳалқ ижоди намуналари, «Капалагим», «Арча байрами» (Н.Норхўжаев), «Болалар ва ғозлар» (Д.Нажмитдинов), «Ёмғиржон» (С.Абрамова), «қувноқ доира» (Б.Гиенко), «қўғирчоқ солдатчалар марши» (П.Чайковский) каби асарлар шу ёшдаги ўқувчиларга яқин.

Болалар асарнинг **жанр хусусиятларини** – марш, қўшик-ракс енгил ўзлаштирадилар. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни мусиқа жанри намуналари билан таништиришда жанрнинг факатгина характеристини аниқламасдан, жанр хусусиятларини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун болаларга пьесаларни таққослаш ва улардаги умумийликни топиш вазифалари берилади. Масалан, «Юриш марши» (Ф.Назаров), «Байрам марши» (Д.Зокиров), «Усмония» (ҳалқ куйи), «Футбол марши» (М.Блантер), «Ёғоч солдатчалар марши» (П.Чайковский) намуналарида болалар марш мусиқасининг ҳаётдаги ўрни ҳамда уларнинг хилма-хиллигини билиб оладилар. Кўрсатилган маршларнинг ҳаммаси ўз кайфиятига эга ва уларни умумлаштириб турувчи хусусият – ҳаммасида қадам ҳаракати, аник усул (пульсация) борлиги. қадамлар ҳаракати тез, енгил, чаққон ёки оғир, шахдам, улуғвор, тантанавор бўлиши маршнинг кайфиятидан келиб чиқишини билиб оладилар.

Худди шу йўсинда рақс ва қўшик жанр хусусиятларини кўрсатиб бериш мумкин.

Асарнинг жанр хусусиятларини ўргангандан сўнг болаларни мусиқадаги **ифодавийлик ва тасвирийлик** тушунчаларига олиб келиш мумкин.

Аввало ўқувчиларга мусиқий образнинг **ифодавийлиги** кўрсатилади. Мусиқа шўх, қувноқ, фамгин, майин, нозик, тантанавор, ҳазил, бегамлик, маъюслик, дард каби турли кайфиятларни ифодалаши кўплаб асарлар мисолида кўрсатилиши мумкин (И.Акбаров «Алла»си,

А.Мансуров «Құзичноғим – ўйинчоқ»и, П.Чайковскийнинг «Касал құғирчоқ» асари, «Лазги», «Пахтаойнинг байрами» ва бошқалар).

Шундан сүнг болаларда табиат манзараплары да ҳаракат акс этган асарлар ёрдамида мусиқанинг **масвирийлиги** ҳақида тушунчалар шакллантирилади (С.Абрамова «Ёмғиржон», Р.Шуман «қувноқ чавандоз», Б.Гиенко «қувноқ доира», Г.Мушель «Эртак», И.Акбаров «Карвон», А.Роули «Весёлий гном» ва х.)

9-11 ёшли ўқувчиларни күпроқ мусиқада ўтган давр да ҳозирғи замон қаҳрамонликлари мавзуси, халқ ижоди, турли халқлар мусиқаси қизиқтиради, композиторлар ижоди, халқ қаҳрамонлари акс этган асарлар касб этади. Мусиқанинг ифода воситалари – суръат, динамика, регистр, лад ҳақида тушунчаларға эга бўладилар. Оддий мусиқа шакллари билан танишадилар. Аста-секин мусиқа такрорланиш, тафовут, вариантили ўзгариш асосида ривожланиши ҳақида тасаввур ҳосил қиласидар. Ўқувчиларга мусиқий образнинг ривожланишини тушунтириш мақсадида унинг график ёзувидан фойдаланиш мумкин. Масалан:

- оддий уч кисмли шаклда мусиқий образнинг ривожланиш йўли шундай ифодаланади: .

Оддий мусиқа шаклларини ўзлаштиргандан сүнг болалар вариация, рондо, сюита каби мусиқа жанрлари билан танишадилар. Бунда ҳам чизма яхши ёрдам беради. Вариантлик асосида мусиқанинг ривожланишини ифодалаш учун бир турдаги шаклчаларнинг турли рангдаги кўринишини келтириш мумкин:



Ўсмирларда инсоннинг ички мураккаб дунёси ҳис-туйғу, кечинмалари, севги-муҳаббат образлари, қаҳрамонлик ва сатира каби жиддий муаммолар акс этган асарлар, буюк мусиқа ижодкорлари ҳаёти қизиқиши уйғотади. Услуби, жанри, шакл-ҳажмидан қатъий назар муҳим ижтимоий мавзулар, масалан, чуқур фалсафий гоялар, орзу ва баҳтсаодат учун кураш, илк муҳаббат дарди, соғинч каби инсоний ҳис-туйғулар ифодаланган мусиқа ўсмирларга катта ҳиссий таъсир ўтказади ва уларни жиддий фикрлашга ундаиди. Мусиқий идрокни ривожлантиришнинг муҳим босқичларидан бири – ўсмирларда мусиқий драматургия ҳақида тушунчалар, тасаввурлар ҳосил қилиш. Бу тасаввурлар асосан йирик шаклли мусиқа асарлари билан танишиш

жараёнида ҳосил қилинади. Дастурга кирган Т.Қурбоновнинг «Широқ» балети, Улугбек Мусаевнинг «Тўмарис» балети, Т.Жалиловнинг «Тохир ва Зухра» операси, С.Юдаковнинг «Мирзачўл» вокал-симфоник сюитаси, Бетховеннинг «Ҳаҳрамонлик», В.А.Моцартнинг «40» симфонияларини тинглаб ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар бу асарларда аниқ ифодаланган мусиқий образлар ва уларнинг тўкнашувлари, зиддиятлари, курашлари орқали ижодкорлар мураккаб ҳаёт жанрлари, инсонлар характеристи, драмалари, катта гояларни акс эттирганларини билиб оладилар.

Мазмуни мураккаб бўлган йирик мусиқа асарларини диққат билан тинглаш, асарнинг гоясини тушунишга ўргатиш ўқитувчидан маҳорат касб этади. Шу билан бирга ҳар бир ўқувчи ўзиннинг шахсий ва мусиқий тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, мусиқий-ижодий қобилиятларига қараб мусиқани идрок этади.

Ўқувчиларда мусиқа тинглаш, мусиқа идроки, малакаларини ривожлантириш бир қанча қонуниятларга асосланади:

1. Ўқувчиларни мусиқани диққат билан тинглашга, мусиқа «оқимини» кузатишга ўргатиш лозим. Тинглаш фаол бўлиши учун уни ташкил этиш ва бошқариш талаф этилади.
2. Мусиқа тинглаш мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.
3. Болаларда мусиқага нисбатан хиссий муносабатни шакллантириш. Бунинг учун дарсда қўлланиладиган асарлар бадиий жиҳатдан етук бўлиши, ёрқин образли, қизиқарли, мазмунан болаларга яқин, болалар эҳтиёжларига жавоб бериши лозим.
4. Берилаётган материал болалар ёшига мос бўлиши ва пухта ўзлаштирилиш керак. Пухта ўзлаштирилган асаргина мусиқий дунёқарашни кенгайтиради, дидни шакллантиради, идрокни ривожлантиради.

5.3. Ўқувчиларда мусиқа тинглаш қўнижмаларини шакллантириши методлари

Ўқувчиларда, айниқса, бошланғич синфларда, мусиқа идрокини ривожлантириш мураккаб вазифа. Ўқувчи мусиқани бутунлигича умумий характер, кайфият сифатида идрок этади. Улар «ғамгин-қувноқ», «чакқон-секин», «баланд-паст», марш, қўшиқ, рақс каби контраст образларни енгил фарқлайдилар, аммо шу билан бир қаторда

асарни доимо ҳам бошидан охиригача ҳаёлларини бузмасдан тингла олмайдилар. Кўпинча асарнинг бошлангич тектларинигина тинглаб, давомини эшитмайдилар. Шунинг учун асарни бошидан охиригача тинглаш ва идрок этишга ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифалардан биридир. «Мусикада ҳар дақиқада ўзгариш содир бўлади, товушлар қайтарилади, ўзгаради, товушлар турли кайфиятларга бирлашади» деган фикрни болалар тушунишлари лозим. Бунда мусиқа ифода воситаларининг болалар томонидан ўзлаштирилиши катта ёрдам беради: асар қандай жаранглайти, бу кайфият қандай воситалар орқали берилиган? деган саволларга жавоб бериш учун ўқувчилар куйнинг ҳаракатига, ҳарактерига, ритмик кўриниши темпи, динамикасига (кейинчалик ладига) қулок солишлари лозим.

Бошлангич синфларда ўқувчилар асосан ҳалқ мусиқасининг оммавий жанрларига кирувчи «Дилхирож», «Дўлонча», «Чертмак», «Уфор», «Асп бўламан», «Гулнорахон», «Қашқарча», «Кўштор», «Оромижон», «Қора соч», «Норим-норим», «Лазги» каби қўплаб асарларни якканавоз, чолғу дасталари ва оркестр, ҳамда хор жамоаси ижросидаги варианtlарда тинглайдилар.

Мусиқий асарларни тинглаш, идрок этиш, мазмуни ва кайфиятини англаш жараённида ўқитувчи ўқувчиларга ёрдам бериши лозим. Бунинг учун ўқитувчи:

- ўқувчиларни тингланаётган асарга ҳиссий тайёрлайди;
- ўқувчидаги маданиятли тингловчи малакаларини шакллантиради;
- мусиқанинг мазмуни, ифода воситаларини оддий таҳлил қилишга ўргатади;
- мусиқа ҳақида фикр юритиш, асарга эстетик баҳо бериш кўнимкамларини ҳосил қиласди;
- ўтилган асарларни жарангланишдан таниб эслашни, асарнинг номи ва композиторларининг номларини билишни.

Тинглашдан олдин болалар диққатини жамлаш, фаоллаштириш учун ўқитувчи ўқувчилар олдига уларнинг мусиқий тайёргарлиги даражасидан келиб чиккан ҳолда турли вазифалар қўйиши мумкин. Масалан:

1. «Ҳозир сиз унча катта бўлмаган мусиқий асар, мусиқий пьеса тинглайсиз. Сиз бу асарга нима деб ном берган бўлардингиз?»
2. «Сиз М.Мирзаевнинг «Бахор вальси» асарини тинглайсиз. Мусиқани эшитинг ва ўйлаб кўринг – нима учун асар шундай номланади?»

3. «Мусиқани диққат билан эшитинг ва айтинг – асарда бир кайфият акс этадими ёки бир неча кайфият берилғанми?»

Бундай вазифа – саволлар болаларда мусиқани тинглаш ҳохишини уйғотади, мусиқий идрокни фаоллаштиради. Болалар асар мазмунини, мусиқий нутқ воситаларининг ифодавийлигини англашга ҳаракат киладилар.

Мусиқа идрокини хиссий жиҳатдан фаоллаштирувчи ва бойитувчи методлар қуидагилар:

- болаларга таниш бўлган асарни янги ижрода, янги талқинда бериш;

- турли талқин ва ижро усулларида берилган бир асарнинг ўзини таққослаш (масалан, «Чаманда гул» асарининг дуторчилар ансамбли ҳамда хор ижросидаги талқини, ўзбек халқ куйи «Чертмак» нинг якка дутор ҳамда дуторчилар ижросида ва х.);

- ўқитувчининг жонли ижроси;

- ўқитувчининг кириш сўзи;

- юқори сифатли аудио ва CD ёзувларидан фойдаланиш;

- чолғу асарларининг мусиқий мавзуларини локализация қилиб куйлаш.

5.4. Дарсда мусиқий асарни ўрганиши босқичлари

Мусиқа идроки мусиқий асарни ўрганиши жараёнида ривожланади ва бу жараён тўрт босқичда амалга оширилади: ўқитувчининг кириш сўзи, мусиқий асарни биринчи бор тинглаш, мусиқа таҳлили, қайта тинглаш. Бу босқиларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Ўқитувчининг кириши сўзи – қисқа, эмоционал, қизиқарли бўлиб, асосий мақсад – болаларнинг диққатини тингланадиган асарга жалоб этиш, унга қизиқиши уйғотиш. Кириш сўзи болалар ёши, дарс мавзуи ва дастур вазифаларига боғлик. Бошланғич синфларда ўқитувчи ўз кириш сўзида болаларга композитор ҳакида, асар мазмунини ҳакида қисқача сўзлаб бериши мумкин. Баъзида эса кириш сўзи бир неча саволлардан иборат бўлиб, болалар идрокини фаоллаштириш, уларда мусиқани тинглаш ҳохишини ҳосил қилиши лозим (юқоридаги матнга қаралсин).

Балет ёки опералардан намуналар тингланар экан, сюжетни тўйлик сўзлаш шарт эмас, чунки, биринчидан, кўп вақт талаб этилади, иккинчидан, болаларга сюжет воқеалари ҳар доим ҳам оҳиригача

тушунарли бўлавермайди (масалан, «Майсаранинг иши», «Руслан и Людмила»). Шунинг учун сюжетнинг асосий фоясини келтириш билан чегараланиш мумкин. Операдан тингланадиган қўшиқ ёки ария матнини олдиндан ўқиб бериш ҳам мақсадга мувофик.

Агар балетдан ракслар тингланадиган бўлса, (масалан Т.Курбоновнинг «Широк», У.Мусаевнинг «Тўмарис» балетидан) ўқитувчи ракслар саҳнада қандай холатда ижро этилиши ҳақида сўзлаб беради.

Грамёзув орқали тингланадиган йирик чолғу асарларига болалар эътиборини жалб этиш мақсадида ўқитувчи аввал шу асардаги асосий мавзуларни чалиб кўрсатиб бериши асарнинг яхши ўзлаштирилишига ёрдам беради (В.А.Моцартнинг 40-симфонияси, М.Махмудовнинг «Мухаммас ва уфор» асари).

Асар композитори, бастакори ҳақидаги баён мазмуни аниқ ўйлаб чиқилган бўлиши лозим. Кўпинча ўқитувчи ижодкорнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўплаб саналар ҳақида маълумот беради. Бу саналарнинг ҳаммасини болалар эслаб қолмайдилар. Ва бу унчалик мухим эмас. Мухими болаларга, масалан, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг бир неча бор шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳатларидан олган таасуротлари натижасида «Чўли Ирок», «Жазоир» каби халқ севган асарларни яратганлиги, Ю.Ражабийнинг Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги даражасига ўсиб етган ягона санъаткор эканлиги каби ижодкор ҳаётидаги ёрқин лавҳаларни етказишидир.

Мусикий асарни тинглаши – болаларни мусиқани тинч, гаплашмасдан тинглашга ўргатиш биринчи галдаги вазифа. Асар бошидан охиригача ифодали, бадиий ижрова грамёзув орқали ёки ўқитувчи ижросида кўрсатилади. Мусика жаранглаётган пайтда ўқитувчининг ўзи ҳам мусиқани берилиб тинглаши, кўрсатмалар бермаслиги, ёзув-чизув ишлари билан шугулланмаслиги лозим, яъни мусикий асарни ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда тинглайди.

Мусика маҳлини – мусика тинглашдан олинган ҳиссий таъсирни чуқурлаштириш вазифасига қаратилган. Бу мураккаб ва ўқитувчидан маҳорат талаб этадиган босқич. Асарни тушуниш ва ҳис этиш бир нарса эмас. Таҳлил кўпинча ҳиссий идрокка ҳалал ҳам бериши, тинглашни сусайтириши мумкин. Асар ифода воситалари мазмундан ажralган ҳолда кўриб чиқилса, шундай бўлади.

Мусика мазмунини сўз билан ифодалаш қийин. Шунга қарамасдан мусикий образнинг умумий ҳислатларни акс эттирувчи сўзларни топиш

мумкин. Бундай сўзларни топиш зарурияти (вазифаси), болаларни нафакат асарни диққат билан тинглашга, балки уни тушунишга ундаиди. Болаларнинг мусиқий тажрибаси, сўз бойлиги ортиб борган сари, улар мусиқий асарга нозикроқ, аникроқ тавсиф бера оладилар. Ўқувчиларда сўз бойлигини ошириш мақсадида ўқитувчи бир қатор усуллардан фойдаланиши мумкин. Масалан, доскага ёзилган тавсифлар ичидан тингланган асарга мос келувчи сўзларни танлаб олиш; асарнинг шаклини ёки жанрини карточкалар ёрдамида аниқлаш ва ҳк. Мусиқа саводини эгаллаб олган сари ўқувчилар мусиқа таҳлили жараёнида ўз билимларини қўллай бошлайдилар.

Шуни айтиш лозимки, таҳлил турли синфларда турлича саволларни ёритишга қаратилган.

1-2-синфларда таҳлил жараёнида қўйидагилар ёритилади:

- 1) мусиқанинг мазмуни, кайфияти, характеристи;
- 2) мусиқа жанри.

3-4-синфларда сухбат қўйидаги саволлар юзасидан ўтказилади:

- 1) мазмун ва характеристер;
- 2) мусиқий жанр;
- 3) мусиқа қандай ўзгаради;
- 4) мусиқий шакл.

5-7-синфларда таҳлил чукурлашади:

- 1) характерист мазмунга боғлиқлиги;
- 2) мусиқий жанрлар; вокал-симфоник сюиталар, опералар, оратория, симфония, балет, мумтоз мусиқа жанрлари ва ҳк.

Мусиқа таҳлили асосида ўқувчиларнинг мусиқага кириб бориши, асосий мусиқий қонуниятларни тушуниб етишлари босқичма-босқич, тизимли равища ҳосил бўлади.

Қайта тинглаш – ўқувчилар мусиқани тўлароқ идрок этишлари, асарни эслаб қолишлари, асарни ёқтириб қолишлари учун бир неча бор қайта тинглаш мақсадга мувофиқ, чунки бир марта тингланган асар дарров болаларга ёқади, ҳамма болалар томонидан етарли даражада эмоционал қабул қилинади, деб айта олмаймиз. Биринчи таассурот кўпинча ноаниқ бўлади. Мусиқий асар ўқувчи боланинг мусиқий тажрибасига айланиши учун уни бир неча бор қайта тинглаш (уч-тўрт маротаба, бир неча дарслар давомида) лозим бўлади. Ҳар бир қайта тинглаш жараёни идрокни бойитиши, мусиқий образ тасаввурини чукурлаштириши ва асарнинг эсда қолишини таъминлаши лозим.

Мусиқий образларни таққослаш – қиёслаш методи болаларда мусиқа идрокини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Бу методдан оқилона фойдаланиш болаларнинг мусиқий-эшитув қобилияларини ўстиради. Аввал контраст асарларда фарқларни англаш, кейинчалик кайфияти бир хил бўлган асарларда нозик ўхшашликларни ҳис этишларига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқувчиларда мусиқа идрокини ривожлантириш ўқитувчидан турли метод ва усуллардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Мусиқа қонуниятлари, мусиқа санъати хусусиятлари оддий жанрлардан мураккабларига қараб босқичмабосқич ўзлаштирилиши таъминланиши мусиқанинг тарбиявий таъсирини кучайтиради.

Савол ва топшириқлар

1. Мусиқа идроки фаолияти ва унинг дарсдаги аҳамиятини ёритиб беринг.
2. Ўқувчиларда мусиқа идрокини ривожлантириш қандай қонуниятларга асосланишини айтинг.
3. Дарсда мусиқа тинглаш фаолияти қандай босқичларда амалга оширилади?
4. Мусиқа таҳлили ва унинг ўқувчилар мусиқий идроки ривожидаги аҳамияти қандай?
5. Кичик ёшдаги ўқувчиларда мусиқа идрокининг ривожлантириш ишларининг режасини тайёрланг (конкрем мусиқий асар мисолида).

Амалий машғулот саволлари

1. Мусиқа идрокини ривожлантириш ва унинг ўқувчилар ёш хусусиятларига боғлиқлиги.
2. Ўқувчиларда мусиқага ҳиссий муносабатни ривожлантириш.
3. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг мусиқий идрокни ривожлантириш хусусиятлари.
4. Ўсмирларни замонавий мусиқа йўналишлари билан таништириш.

VI БҮЛЛИМ

ЖАМОА БҮЛИБ КУЙЛАШ – БОЛАЛАР МУСИҚА ФАОЛИЯТИНИНГ ОММАВИЙ ШАКЛИ

6.1. Фаолиятнинг умумий тавсифи

Жамоа бўлиб куйлаш – ўқувчиларни мусиқа санъатига мусиқа санъатига фаол жалб этишнинг энг оммавий шаклидир. Ҳар бир соғлом бола куйлай олади. Куйлаш бола учун эстетик эҳтиёж, ҳиссият ва кайфиятни ифодалашнинг энг табиий ва қулай воситасидир. Бола кўшиқ ижро этар экан, унда хис-ҳаяжон, завқ-шавқ, кўтаринлик, қувноқлик, ҳаракатчанлик каби ижобий туйгулар ҳосил бўлади. Кўшиқда иккита эстетик восита – мусиқа ва бадиий сўз бирлашади. Шунинг учун тажрибали ўқитувчининг қўлида жамоа бўлиб куйлаш – ўқувчиларни мусиқий-эстетик тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласиди.

Кўшиқ куйлаш фаолияти ўқувчиларда мелодик, гармоник эшитув, ладни хис этиш, соф интонация каби мусиқий қобилияtlарни ривожлантиради. Ижро жараёнида овози ва мусиқий эшитуви турлича бўлган болалар жамоа бўлиб бирлашадилар, уларда ўз ижроларини ва ўртоқлари ижроларини эшитиб кузатиш, биргаликда куйлашдан завқланиш, дикқат, кузатувчанлик, интизом каби сифатлар тарбияланади. Куйлаш жараёнида ўқувчиларда овоз аппарати ривожланади, нафас чукурлашади, қон айланиши яхшиланади, қомат текисланади, яъни жисмонан ҳам бола ривожланиши кузатилади.

Куйлаш фаолияти бир катор вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- болаларда жамоа бўлиб куйлашга қизиқиш ва муҳаббатни ўстириш;
- мусиқага ҳиссий таъсирчанликни тарбиялаш;
- бадиий дидни тарбиялаш;
- қўшиқчилик овозини, яъни чиройли, табиий товушда куйлашни шакллантириш, диапазонни ўстириш;
- бадиий ижрога эришиш учун вокал-хор малакаларини ривожлантириш;
- мусиқий қобилияtlарни ўстириш.

6.2. Болалар овози ривожланишининг ёши даврлари бўйича хусусиятлари

Инсоннинг кайфиятига қараб овоз ёқимли, қувнок, жарангдор, шўх ёки бўғик, «ширасиз», «ёқимсиз» бўлиши мумкин.

Овоз манбай бўлиб тебранувчи овоз пардалари хизмат қилади. Овоз пардалари тор мисол ҳиқилдоқда тортилган бўлиб, олд қисми қалқонсимон тогайга, орқа қисми эса иккита шохсимон тогайларнинг ўсимталарига мустахкамланган. Биз жим турганимизда овоз пардалари очилиб туради. Гапириш ёки куйлаш пайтида овоз пардалари бирикадилар ва ўпкадаги олинган нафас чиқиш пайтида бу пардаларга босим билан таъсири қилиб, уларни тебрантиради. Овоз пардаларининг тебраниши ва уларнинг ўртасидан ўтувчи ҳаво товуш тўлқинларини ҳосил қилади. Товуш баландлиги шу товуш тўлқинларига боғлик: тебраниш сони қанчалик кўп бўлса, тебраниш тўлқинлари шунчалик қиска бўлади ва товуш баланд бўлади; ва аксинча, тебранишлар сони кам бўлса, товуш тўлқинлари узун бўлади ва товуш паст бўлади. Овоз пардалари секундига 80 дан 10000 гача тебраниши мумкин. Овоз пардалари тебраниш пайтида бутунлигича ёки маълум қисмлари билан ҳаракатга келиши мумкин. Товуш кучи тебраниш кенглигига, овоз пардаларининг таранглигига ва олинадиган нафас кучига боғлиқ. Ўз навбатида нафас кучи – ўпка ва нафас мускулларининг ҳаётий ҳажмига боғлиқ.

Инсон овоз аппарати жуда мураккаб тизимдан ташкил топган. Унинг асосий қисмлари – нафас органлари (ўпка, нафас йўллари, нафас мускуллари), ҳиқилдоқ ва овоз боғламлари – товуш тугиладиган жой, артикуляцион аппаратларнинг ҳамма қисмлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Куйлаш жараёни пайтида овоз аппаратининг ҳамма бўлаклари бир бутунликда ишлайди. Овоз аппаратининг фаолияти бош мия, марказий нерв системасининг бошқаруви таъсири остида бўлади. Товуш аппаратининг физиологик тузилиши масалаларини П.Ч.Чесноков, Ш.Рўзиев, Д.Халабузар, Н.Дмитриев ўз илмий рисолаларида кенг ва атрофлича ёритиб берганлар.

Товуш – овоз аппаратининг маҳсулидир. Товуш ҳосил қилишни фонация (юононча «фон») – товуш деб ҳам юритилади. Баландлиги, кучи ва гўзаллиги жиҳатидан хилма хил бўлган бу товушлар ҳиқилдоқда (юқори нафас системасида) ҳосил бўлади. Ҳиқилдоқ –

товуш ҳосил қилувчи органдир. Қўшиқ айтишга монанд товуш овоз пардаларининг тебраниши ҳамда резонаторлар товушни кучлантириши натижасида пайдо бўлади. П.Ч.Чесноковнинг таърифича, «овоз бойламлари бизнинг овоз асбобимизнинг торларидир, ҳаво оқими эса камонча бўлиб, бу торларни куйлашга мажбур қиласди».

Ҳосил бўлган товушни *резонаторлар* кучлантиради ва ҳар хил тембр бўёклари беради. Резонаторлар икки хил бўлади: юқори ва пастки.

Юқори – бош резонаторларга овоз пардаларининг юқорисида жойлашган ҳиқилдок, бурун ва оғиз бўшлиқлари киради.

Пастки – кўқрак резонаторларга – кўқрак қафаси (трахея, бронхлар) киради.

Резонаторлар товуш ҳосил қилиш пайтида ўз шаклини, ҳажмини артикуляцион аппарати орқали ўзгартириб туради. Тил, лаблар, жағлар, ҳиқилдок, овоз пардалари билан биргалиқда *артикуляцион аппарат* деб аталади. Артикуляцион аппаратнинг аниқ, чиройли талаффузга эришишдаги иши *артикуляция* деб аталади.

Овозни тўғри йўлга қўйиш қийин жараён ҳисобланади. У овоз аппаратининг тўғри ҳолда бўлиши ва овоз чиқариши, товушни чўзиб турга билиши, нафас таянчига эришиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Товуш ҳосил қилувчи товуш физиологиясининг асосий ҳолатлари катталарда қандай бўлса, болаларда ҳам шундай. Бироқ шуни унутмаслик керакки, болалар овоз аппарати жуда нозик. У ўзига жуда эҳтиётлик ва эътибор билан муомала қилишни талаб этади. Кўпинча овоз аппарати касалликлари ва ундаги нуқсонлар болалик чогида унга вокал тарбиянинг нотўғри берилганлиги натижасида асорат беради.

Болалар овоз аппарати (бунда биз 1-7-синф ўқувчилари ёшини (7-13) ҳисобга оламиз, чунки мусиқа маданияти дарслари умумтаълим мактабларида фақатгина шу синфларда ўтилади) катталар овоз аппаратидан ўз ҳажми ва шакли билан фарқ қиласди. У доимо ўсиш ва ривожланиш ҳолатида бўлади. Болалар овози ўз ривожида бир неча этапларни босиб ўтади.

Ҳиқилдокнинг ривожланиши 3 ёшдан 12 ёшгacha секин-аста, равон кечади. Шунинг учун болалар катта бўлган сари товуш характеристери ва кучи ўзгаради. Бола овози ривожи даврлари унинг умумий жисмоний ва асаб-руҳий ривожланишига боғлиқ бўлади.

Бола овозининг шаклланишидаги асосий даврларни кўриб чиқамиз:

I давр. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари (7-9 ёшгача) овози болалар овози жаранглаши хусусиятига эга. Боланинг ўсиши равон кетади, овозида ҳам ўзгариш сезилмайди. Овоз жуда майнин, енгил бўлади. «Фальцет» жаранглаши дейилади. Овоз аппарати бу ёшда нозик, мўрт бўлишини ўқитувчи яхши билиши керак. Ўз тузилишига кўра бу механизм (овоз аппарати) ҳали содда бўлади, яъни овоз ҳиқилдоқда ҳосил бўлиб, овоз пардаларининг чекка қисмларининг тебранишидан ҳосил бўлади. Бу пардалар тўлиқ ҳолда жипслашмайди. Товуш ҳосил бўлган пайтда овоз пардалари орасида «ёрик» қолади. Қиз ва ўғил болалар овозида бу пайтда фарқ бўлмайди.

II давр. Боланинг ёши ўсиши билан бирга овоз аппарати механизми ҳам ўсиб боради. Унинг тузилиши мураккаблашади. Ҳиқилдоқда муҳим пайлардан – овоз пайлари ривожлана бошлайди. 10-11 ёшли болаларнинг овози анча кучли ва қуюкроқ эштилади. 12-13 ёшларга бориб, бу найлар овоз пардаларининг фаолиятини тўла бошқаради, овоз таранглиги кучаяди. Бу ёшда қўшикчилик овози шакллана бошлайди. Муайян тембрдаги оҳанг пайдо бўлади. Шу туфайли ўғил болалар овози дискант ва альтга бўлинади. Дискантлар (баланд овозлар) ўзининг енгиллиги, жаранглаб чиқиши, ёрқинлиги билан хусусиятланади. Альтлар (паст товушлар) эса ўзининг зичлиги, қуюклиги ва кучлигиги билан фарқ қиласди. Бу ёшда овоз пардаларининг тебраниши фақат чекка қисмларда бўлмасдан, балки тўлалигича ҳосил бўлади, овоз кучли, тўлиқ жаранглай бошлайди.

10-12 ёшли болалар билан хор машғулотлари, куйлаш фаолияти яхши ташкил этилса, бу ёшда чиройли овоз шакллана бошланади. Бу давр болалар овознинг «гуллаш» даври дейилади.

III давр. 12-13 ёшларга бориб ўсмирлик даври бошланади. Овоз аппарати ўсмир организмида кечётган жараёнлар туфайли ўзгаради. Жисмоний ўсиш ҳам, овоз аппаратининг ўсиши ҳам равонлигини йўқотиб, нотекис, сакрама ривожлана бошлайди. Овоз ўз «жарангдорлигини» йўқотиб, «хунук» хиралашади. Ҳамма диапазонда эркин куйлаётган ўқувчи энди юқори товушларни ололмайди. Бу давр зўрикиш билан, шиш билан ўтади. Бундай ҳолатлар ўқитувчи ва ўқувчи учун жуда масъулиятли даврdir. Бу мутациянинг бошланиш давридир.

Мутация ўсмирларда индивидуал тарзда содир бўлгани учун (11 ёшдан ҳам бошланади) баъзида сезиш қийинроқ бўлади. Мутация 12-13 ёшлардан бошланиб, 15-18 ёшгача давом этиши мумкин. Ўғил болаларда ҳиқилдоқ тез ўса бошлайди. Ҳиқилдоқ 2/3 қисмга ўсади. 12-

13 ёшда 13-14 мм бўлса, мутация даврида 6-8 мм ўсиб, 25 ёшда 22-25 мм ни ташкил этади. Овоз пардалари йўғонлашади. Овоз кичик оқтава диапозонига ўтади. Бу ўсиш нотекислик ва оғриқ билан кечиши мумкин. Баъзида қўйлаш машғулотларини тўхтатиш талаб этилади. Кизларда мутациянинг бундай кескин шаклларини жуда кам кузатилади.

Мутациянинг тури ва давом этиши турличадир. Ўғил болаларда мутация бошланган даврни ўз вақтида илғаш ва унга вокал режимини тўғри белгилаш энг муҳим ишлардандир. Мутация турлича ўтади. Баъзида овоз аста-секин болаларнинг ўзига ҳам, унинг атрофидагиларига ҳам билинмай ўзгаради; бундай пайтда қўшиқ айтиётганда овоз хириллаб, тез чарчаш содир бўлади. Қўйлаш пайтida ҳам, гапиришда ҳам овоз бўйсунмай қолади, узилади, «сакрайди». Ўқитувчи мутациянинг дастлабки белгилари намоён бўла бошланган болаларни диққат билан кузатиб бориши, овозни эҳтиёт қилиш лозимлигини тушунтириши керак.

6.3. Болалар овозини асрани методлари

Болалар овоз аппаратининг тузилиши ва ривожланиш хусусиятларини билиш болалар овозини сақлаш ва тўғри тарбиялаш имконини беради. Ҳар бир ўқитувчи болаларни қўшиқ айтишга ўргатар экан, у қўшиқни болаларга хос гўзал, жаранглаган, тиниқ товуш билан зўриқмасдан, тезда чарчаб қолмасдан, эркин айтадиган қилиб тарбиялашга харакат этиши лозим.

Ўқитувчи болаларга ўз овозларини аяшлари, дарсдан ташқари пайтда ҳам қаттиқ бақирмасликлари, қўйлашда зўриқмасдан айтиш лозимлигини мунтазам эслатиб боради. Чунки юқорида айтилганларга беэътибор бўлиш овоз пайларига чандиқ тушишига олиб келади. Бу эса нафақат қўйлай олмаслик, балки гапира олмаслик ҳолатига ҳам олиб келиши мумкин. Ана шундай заарарли ҳолатларга совуқда музқаймок єйиш, қаттиқ гапириш, тез-тез шамоллаш ҳам олиб келади.

Болалар томонидан радио, телевизор, аудио-видео ёзувларда бериладиган катталар диапазони учун ёзилган қўшиқларни қўйлаш (айниksa баланд товушларда) уларнинг ҳали етилмаган, мўрт овоз аппаратига салбий таъсир этади. Бошланғич синфларда қўшиқчилик овозини мустаҳкамлаш учун соғломлаштирувчи машқлардан

фойдаланиш зарур: нафас машқлари, куйлаш ва дам олишни алмаштириб туриш, матнни чўзид ўкиш, ритмли ўкиш, яъни ўқитувчининг қўлига қараб қисқа ва узун бўғинларни айтиш («қўғирчо-о-о-огим, қўғирчоқ, сенсан ме-е-е-енга-а-а ўйинчоқ»), нутқ ва мусиқий интонацияни алмаштириш ва б.к. Бундай ишлар нутқи бўш болаларга ҳам ёрдам берди.

Болалар овози имкониятларидан келиб чиккан ҳолда куйлаш фаолиятини албатта тайёргарлик, яъни овоз созлаш машқларини айттиришдан бошлиш лозим. Бу машқлар албатта кичик диапазонга эга бўлиб, уларни транспозиция қилиш имконияти ҳам қўлайдир (кейинги бетдаги «Сурнайча», «Акс-садо» машқ мисолларга қаралсин).

Овоз созлаш машқларини примар товушлардан бошлиб аста-секин пастга ва юқорига айттириш овозни қизитиш имконини берса, транспозицияда куйлар болаларда мусиқий эшитувни ўстиради.

Болалар овозини асрар учун репертуарни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Шу нарсани эсда тутиш лозимки, хаддан ташқари баланд ёки паст тесситурали қўшиқлар болалар овозига зааралидир. Айниқса, диапазоннинг четки товушларида куйлаш хавфлидир. Бунда овоз аппарати толикади.

Ота-оналар ўртасида ҳам тушунтириш ишларини олиб бориш катта аҳамиятга эга. Кўпинча қобилиятили болаларнинг ота-оналарни ўз болалари билан фахрланиб, ўз танишлари олдида уларга овоз диапазонига мос келмайдиган қўшиқларни айттирадилар, натижада боланинг овозини ишдан чикарадилар. Шунинг учун мусиқа ўқитувчисига «Болалар овозини асранг» мавзусида ташвиқот ишларини олиб бориш бироз малол келса ҳам, фарзандларимизнинг овозларини асрар маъсулиятли ишдир.

6.4. Ўқувчиларда вокал-хор малакаларни ривожлантириши

Қўшиқнинг бадиий, чиройли, ифодали ижросига эришишнинг мухим воситаси – ўқувчиларда вокал-хор малакаларини ривожлантиришdir.

Вокал-хор малакаларига қуидагилар киради:

1. Қўшиқ айтишдаги ҳолат.
2. Куйлаш нафаси.
3. Товуш ҳосил қилиш.

4. Талаффуз.
5. Соз.
6. Ансамбл.

Кўшиқ айтишдаги ҳолат.

Дарсда кўшиқ куйлашда тик туриб ёки ўтириб куйлаш ҳолати кўлланилади. Кўшикни тикка турган ҳолда ижро этиш энг қулай, маъкул усул ҳисобланади. Бунда гавдани эркин, елкани кериб, уни бироз орқага ташлаб кўкрак қафасини тўғри тутиб туриш лозим. Бошни бироз ўзига қулай бўлган табиий ҳолатда, болалар тик туриб қўшиқ куйлаётганларида гавдани буқмасдан, кўлларини эркин ҳолда туширган ҳолда, оёқларини елка кенглигига кичикроқ ҳолатда тутиб туришларига эътибор бериш керак. Ўқитувчи бу ҳолатларни кузатиши, ўқувчиларга эслатиб туриши зарур, яъни бу билан қўшиқ куйлашдаги ҳолат кўнникмага айланишига эришилади.

Мусиқа дарсларида ўтириб куйлаш ҳолати кўп кўлланилади. Бунда ҳам гавда ва бошнингҳолати тик туриб куйлаш ҳолатига ўхшайди. Стулнинг чеккарогига ўтириш, кўллари эса тиззага эркин қўйишига эътибор қаратиласди.

Ўрганиш даврида қўшикни ўтириб куйлаш ҳолати, ўрганиб бўлинган қўшиқ ижросида тик туриб куйлаш кўлланилади.

Кўшиқчилик нафаси.

Кўшиқ айтишда нафасни тўғри олиш асосий малакадир. «Кўшиқчилик санъати – нафас олиш санъати», деб айтишган алломалар.

Куйлаш нафасини ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Болаларда нафас малакаларини ривожлантиришда физиологик тарафларига ургу бериш шарт эмас. Нафас қўшиқлар, машқларни ўргатиш шароитида ривожлантириб борилади. Ўпкага меърида ҳаво олиб, сўнг бир зум тўхтатиб, кейин уни мусиқавий жумланинг охиригача равон ва осойишта сарфлаш – чиройли товушда куйлашга олиб келишини ўқитувчининг ўзи кўрсатиб беради. Дирижёрлик ишорасида ҳам бу ўз ифодасини топади. Қўшиқларни куйлаш жараённада ўқувчилар тўғри нафаснинг чиройли товуш шаклланишида ва ифодали куйлашдаги аҳамиятини тушуниб етадилар. Тўғри нафас олганда болалар бел кенглаётганлигини сезишлари керак. Кейинчалик ўқувчилар ҳаво

ўпкадан кетмасдан «туриб» қолаётганидек бўлаётганлигини ҳис этадилар. Бу *товуш таянчи* ҳосил бўлишига асос бўлади.

Товуш таянчи – нафас ва ҳиқилдоқнинг ўзаро ҳаракати, тўла эркинлиги. Асар қандай суръатда ижро этилишидан қатъий назар, нафасни ҳар вақт шовқинсиз, осойишта, елкаларни кўтармаган ҳолда олиш керак.

Товуш ҳосил қилиши – овоз пардаларининг бирикиши ва очилиши туфайли ҳосил бўлувчи қўшиқчилик товуши қўшиқчилик нафаси билан узвий боғлиқ. Бадиий вокал ижронинг асосий талаби – тўғри ва чиройли куйлаш овозидир. Бундай товуш юмшоқ танглайнинг етарли ҳаракатчанлиги, овоз пардаларининг бир текис тебраниши, сокин ва равон нафас натижасида ҳосил бўлади. Қўшиқчилик овози диапазоннинг ҳамма қисмларида бир текис жаранглаши лозим. Пастки товушларни айтганда овоз пардаларининг таранглиги камроқ бўлади. Бу товушлар кўкрак қафаси соҳасидаги резонаторлар ёрдамида жаранглайди. Юқори товушларда овоз пардалари таранглиги ошади. Овоз бош резонаторлар соҳасида ҳосил бўлади.

Овоз тарбиясини примар товушлардан (диапазоннинг энг табиий, эркин ва қулай бўлган товушлар) бошлаш лозим (фа(1)-ля(2)).

Болалар тембрининг ривожланиши жараёнида товуш «хужуми» – атакаси катта аҳамиятга эга.

Товуш атакаси – товушнинг энг биринчи пайдо бўлиш пайти. Амалиётда уч тури – қаттиқ, юмшоқ, нафасдан олдинги учрайди.

Қаттиқ атака – олинган нафас бир оз ушланиб турилади, овоз пардалари товушдан олдин тез ва зич бирлашади.

Юмшоқ атака – овоз пардалари товуш ҳосил бўлиши билан бир пайтида бирлашади. Бу атака майин, тинч, текис товуш бошланишини ҳосил қиласи.

Қўшиқчилик товуши ҳосил қилишда асосан юмшоқ атака қўлланилади. Аммо болаларда овоз аппаратининг сустлигини назарда тутган баъзи ҳоллар фаол товушни ҳосил қилиш учун қаттиқ атакани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Талаффуз.

Дикцияни (тўғри аниқ талаффузни) ривожлантириш усуллари адабий матн ва қўшиқнинг бадиий образи хусусиятлари билан аниқлананади ва сўзларни маъновий аҳамиятини тушунтиришни талаб этади. Бунда матнни қўшиқ ритмида айтиш ҳамда ифодали ўқиши

методларидан фойдаланиш мумкин. Маълум бир жумлаларни алоҳида таъкидлаш ёки образнинг характеристи хусусиятларини ифодалашдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қўшиқ қуялаш жараёнида артикуляцион аппарат – пастки жаг, лаблар, тишлар, тил максимал даражада фаол ишлаши керак. Ёш ижрочиларда кўпинча артикуляция бўш ёки сиқилган бўлади. Бундай нуксонларни юз мускуларининг осойишталигини саклаган ҳолда пастки жагни эркин ҳолда пастга тушириш орқали бартараф этилади. Бунга бир товушда қуяланувчи «да-дэ-ди-до-ду» машқи яхши ёрдам беради. Матнни шивирлаб айтиш методидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай метод артикуляцион аппаратининг ҳаракати активлигини ҳосил килади ва шу ҳолати қуялашга кўчириш мумкин.

Куялашнинг асоси – унлилар талаффузидир. Уларда товушнинг вокал сифатлари тарбияланади. Унлиларни тўғри талаффуз этиш бир томондан, қуялаётганда товушнинг чиройли чиқишини таъминласа, иккинчи томондан, қўшиқдаги сўзларнинг оҳангдор бўлишига ёрдам беради. А, О, У, Э, И унлиларини тўғри (чўзиқ) шакллантириш майнин, қуичан товушга ёрдам беради. Унлиларнинг бир текисда жаранглаши учун болалар қуялаш диапазонининг ҳамма товушларида юқори позицияни сақлаб туришлари лозим. Бунинг учун «у, ю, а» унлиларига турли машклар ҳамда куйи пастга қараб ҳаракат қиласиган қўшиқлар қўлланилади.

Унли товуш қўшиқнинг асоси бўлиб, чўзиб қуяланса, ундошларнинг қисқа, тез, аниқ, ҳаракатчан талаффузи қўшиқ матнини тингловчига етказишда муҳим аҳамият касб этади. Сўз талаффузи кувноқ, чаккон, маршона ҳамда раксона қўшиқларни қуялаш жараёнида шаклланади (Д.Омонуллаеванинг «Бувижоним», «Нишолда», А.Берлиннинг «Ёмғир ёғакол» ва бошқалар). Вокал талаффуз нутқ талаффузидан фарқ қилишига эътибор бериш лозим. Масалан, нутқда «ос-мон-нинг юл-ду-зи-миз» жумласи қуялашда «о-смо-ннинг юл-ду-зи-миз» деб талаффуз килинади. Яъни, ёпиқ бўғинлардаги охирги ундош товуш кейинги бўғинга ўтказиб қуяланади: «мак-таб» эмас «ма-ктаб»; «лай-лак қор» эса «ла-йла-ккор» шаклида айтилади. Унга ўқитувчи доимо эътибор бериш зарур.

Соз ва ансамбл.

Энг муҳим малака – хор бўлиб қуялашда қуйнинг тўғри ва соғ интонацияси, яъни созидир. Бу малакани ривожлантиришга қаратилган

усуллар мусиқий-эшитув тасаввурини шакллантириш билан жуда узвий боғланган. Куйидаги методларни кўллаш мумкин:

- кўйлашдан олдин «созланиш» – ўқитувчи биринчи товушни чўзиб кўйлади ва болалар қайтарадилар;
- кўшиқ кўйдаги маълум бир товушда (кўпинча охирги товушда) ўқитувчининг кўрсатмасига биноан «ушланиб қолиш» ва унинг жаранглашини эшитиш;
- кўшиқни ўрганишдан олдин турли тоналликларда машқларни, кўшиқнинг мураккаб интервалларини соф кўйлашга эришган ҳолда ижро этиш;
- анча кенгроқ диапазонга эга бўлган болалар билан кўшиқни баландроқ тоналликда ижро этиш;
- болаларда мусиқий-эшитув тасаввурини ўстиришга қаратилган машқларни (куйнинг харакати, баланд-паст товушларга эътиборини тортиш), ўргатиш;
- эшитув тасаввурини чуқурлаштириш мақсадида қўл харакатлари, куйнинг график тасвири, нота ёзувлари, дирижёрлик ифодаларидан фойдаланиш;
- жўрсиз кўйлаш методидан фойдаланиш.

Ансамбл (французча «*ansamble*» – биргалиқда маъносини билдиради) жамоа ижросидаги интонацион, бир услубда товуш ҳосил қилиш, ритмик, динамиқ, темп уйғунлик бирлиги, кўшиқни бир вақтда бошлаб, бир вақтда тугатиш малакаларидан иборатdir. Ансамбл устида ишлаганда болаларда масъулият ҳиссини, кўйлаш жараёнida ўзини ва ўртоқларининг овозини эшита олиш, назорат қилиш, товуш сифатини таҳлил қилишга одатлантириб бориш лозим.

Соз малакаси ансамблнинг вужудга келишида асосий омилdir. Кўшиқларнинг бадиий ижросида соз ва ансамблнинг уйғунлиги воситасида эришиш мумкин. Сознинг сифатига ўқувчиларнинг умумий эмоционал ҳолати таъсир этади. Ўқитувчи ўқувчилардан вокал-хор малакаларини ривожлантириш устида ишлар экан, мусиқа дарсларига мунтазам қизиқиши ўстириши, уларда овоз гигиенаси, ҳамда кўшиқларнинг ижровий даражаси ва характери берилган синф учун мослигига доимо эътибор бериши лозим.

6.5. Овоз созлаш машқлари

Овоз созлаш машқлари – болаларни жамоа бўлиб куйлашга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади. Овоз созлаш машқларининг мақсади – кўшиқчилик малакаларини шакллантириш, болалар овозини, диапазонни, мусиқий эшитувни ривожлантириш.

Овоз сақлаш машқларини икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга аниқ бир кўшиқ асари билан боғлиқ бўлмаган машқлар киради. Бундай машқлар болаларга давомий равишда вокал-хор ижрочилиги малакалари, бадиий ижрочилик маҳоратини эгаллашга ёрдам беради. Бу гурухдаги овоз созлаш машқлари ҳар бир дарсда бутун ўкув йили давомида кўшиқ ўргатишга ўтишдан олдин қўлланилади.

Иккинчи гурухдаги машқлар конкрет кўшиқ асарини ўрганишда учрайдиган қийинчиликларни (интонацион, ритмик, дикцион, темп) бартараф этишга қаратилган. Табиийки, кўшиқдаги мураккаб жойлар овоз созлаш машқи сифатида бир неча бор қайтаришлар асосида яхши ўзлаштирилади.

Машқларни куйлашда ўкув вазифалари оддийдан мураккабга қараб ўзгариб боради. Бошлангич синфларда овоз созлаш машқлари сифатида халқ болалар кўшиқлари («Офтоб чиқди оламга», «Оқ теракми, кўк терак»), машқ учун мўлжалланган куйчалар («Жарангли куйлаймиз», «Ду-ду-ду – қандай гул бу?»), мусиқий товушлар қўлланса, 4-синфдан бошлаб болаларда машқларга онгли муносабатни тарбиялаш муҳимдир. Уларга овоз созлашнинг муҳимлиги, яъни овозларни иш ҳолатига келтириш лозимлиги тушунтириб борилади. Болаларга ёқадиган, кизикиш уйготадиган машқлар кўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай машқлар сифатида тинглаш учун олинадиган асарлардан фрагментлар («Ҳайвонлар султони» операсидан «Бўри ҳиргойиси», С.Юдаковнинг «Теримчилар кўшиғи»дан парча, В.Моцартнинг 40-симфониясидан бош мавзу ва ҳқ.), ўрганиш учун олинадиган кўшиқлардан парчалар куйлатиш мумкин.

Дарсда қўлланиладиган овоз созлаш машқлари куйлаш учун қулай бўлиши, давомли равишда ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

6.6 Күшик ўргатиш босқичлари ва методлари

Умумтаълим мактаблари «Мусиқа маданияти» дастуридан Ватан, мустақиллик, диёримиз табиати, меҳнаткаш ўзбек халқи ҳаётини, баҳтли болаликнинг гўзал орзуларини мадҳ этувчи қўшиқлар жой олган. Бу қўшиқлар ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг келажагига содиклик, меҳнатсеварлик, гўзалликка интилиш ҳисларини тарбиялашга муҳим аҳамият касб этади. Кўшик репертуарига кирган асарлар ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятларини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг негизи бўлиб хизмат қиласди. Чунки мактаб дастури нафақат ўқувчиларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини, балки уларнинг мунтазам равишда ривожланишлари хусусиятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда тузилган. Мусиқа ўқитувчиси қўшик ўргатиш жараённида ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари хусусиятларини доимо эсда тутган ҳолда иш олиб бориши самарадорликни оширишга ёрдам беради. Мусиқа маданияти дарсларида қўшик ўргатиш жараённида қўшикка эмоционал муносабатни ривожлантириш, тасаввурни, мусиқий эшитув ва хотирани ўстириш, мусиқанинг ифода воситаларининг аҳамиятини тушуниш, жарангли, куйчан, енгил, чаққон товушларда куйлаш, ўзини ва ўртоқларини тинглаш, қўшикни жўрсиз ёки жўрликда ифодали куйлаш, ёки уч овозли куйлаш асосида гармоник эшитувни тарбиялаш каби вазифалар амалга оширилади. Ўқитувчи куйлаш учун қўшик танлаб олар экан, аввало асарнинг бадиий қиймати, мазмуни, тарбиявий аҳамияти, образлар ва кайфият доирасини синчиклаб таҳлил қиласди, ўргатиш методларини танлайди.

Кўшик ўргатиш босқичлари:

1. Кўшик билан ўқувчиларни таништиришдан олдин, одатда, ўқитувчи қўшикнинг кайфияти, мазмуни, муаллифи ҳақида сўз юритади (Ватан, табиат, мактаб, дўстлик ҳақида кўйловчи бир қатор асарлар бошланғич синфлар мусиқа репертуаридан ўрин олган). Кириш сўзи 1-2 минутдан ошмаслиги зарур. Масалан, болаларга халқ қўшиқлари ҳақида маълумот берилганда ўқитувчи уларга қадимги қўшиқларни халқнинг ўзи ижод этгани, яъни ҳар бир қишлоқ, шаҳарда таниқли қўшиқчилар, мусиқачилар бўлиб, улар йил фасллари ва турли байрамларга бағишлиб қўшиқлар яратганликлари, доира, дутор, фижжак

каби чолғу асбоблари ясаганликлари, улар яратган қўшиқ ва куйлар авлоддан-авлодга ўтиб, яшаб келаётганлигини сўзлаб беради.

Яна бир мисол, 2-синф репертуаридан А.Мансуровнинг Қамбар ота шеърига басталаган «Пиёда аскарлар қўшиги» жой олган. Бу қўшикни ўргатиш олдидан ўқитувчи Ватан химоячиларининг қаҳрамонона касблари ҳақида гапириб, болаларда Ўзбекистонимиз билан ғуурланиш, фахрланиш туйғуларини ҳосил килади. Ўқитувчи уларда қўшиққа нисбатан ижодий ёндашувини юзага келтириш мақсадида қўшиқнинг мазмунига мос келадиган расм, шеър, кўргазмали материаллардан самарали фойдаланиши ўқувчиларда қизиқиши ва фаоллик уйғотади. Одатда сухбатларни болаларнинг ҳаётий тажрибаларига асосланган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Навбатдаги босқич – қўшикни шахсий ижрода кўрсатиш. Ўқитувчи янги қўшикни ўз ижросида ифодали, бадиий тарзда кўрсатиши лозим. Чунки факат бадиий ижро ёш тингловчиларда қизиқиши уйғотади. Ўқитувчи биринчи бор кўрсатишида қўшиқнинг 1-бандини куйлаш билан чегараланиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай ижро қўшиқ ҳақида тўла тушунча бермайди, ўқувчиларда етарли қизиқиши уйғотмайди.

3. Қўшиқ тинглангандан сўнг ўқитувчи ўқувчилар билан қўшиқ ҳақида сухбатлашади, фикр алмашади, саволларга жавоб беради, ўқувчиларнинг қўшиққа бўлган муносабатини шакллантиришга ҳаракат қиласди.

4. Қўшиқ ўргатиш бадиий-музиқий жараён бўлиб, унинг биринчи оҳангиданоқ эмоционаллик ва онглилик, бадиийлик ва маҳорат уйғунлашади. Қўшиқ устида ишлаш методлари турлича бўлиши, бунда болалар олдига ҳар гал аниқ вазифалар кўйилиши ва улар бунга эришишлари лозим («товушни чўзиши», «дикқат билан тинглаш», «сўзларни бурро айтиш», «ифодали куйлаш»). Масалан, 1-синфнинг 1-чорагида Н.Норхўжаевнинг «Неварапар қўшиги»ни ўргатишида болаларга биринчи товушни дикқат билан эшитиш, «Боғим бор, гулзорим бор, Бош боғбоним бобомлар» жумласини аниқ куйлаб бериш вазифаси берилади. Кейин шу жумлани бир неча гурухларга бўлиб қайтарилади. Олдин банд, кейин нақорат ўргатилади. Бунда ўқитувчи билан ўқувчилар навбатма-навбат куйлашлари мумкин. Ўқитувчи банд қисмини, ўқувчилар нақоратини айтадилар, агар маълум жойда интонацион қийинчилик учраса, ўқитувчи «акс-садо» усулини кўллаш

лозим. Кўшиқ жуда енгил, куйчан ижро этилади. Биринчи дарсда қўшиқнинг 1-куплет банд-нақоратини мустақил тинглаб, бирон бир бўғинда айтиб кўриш таклиф қилинади («ла», «ду»). «Банд», «нақорат» тушунчаларини мустаҳкамлаш мақсадида бир гурухга ёки бир ўқувчига бандни, хорга эса нақоратни куйлатиш мумкин. Бунда болалар «яккахон», «хор» тушунчаларини ҳам ўзлаштириб борадилар.

Кўшиқ ўргатиш услубларини алмаштириб туриш синфда болалар зерикишининг олдини олади. Бунинг учун якка, гурух ва умумий хор бўлиб куйлаш, бир гурух куйласа, иккинчиси чапак ва ритмик ҳаракатлари бажариши нафақат яхши натижа беради, балки уларда ритм туйғуси, ижодийлик қобилиятларининг ўсишига олиб келади.

Баъзан ўйин методидан фойдаланиш болаларни завқлантиради. Масалан, Ж.Нажмиддинов «Болалар ва ғозлар» қўшигини ўрганишда асарни савол-жавоб («ролли ўйин») тариқасида куйловчи гурухларга ажратиб ижро этиш ўқувчиларда мусиқа орқали ҳазил кайфиятини кўрсатиб бера олиш ўқувини ўстиради. Бу эса мусиқа нутки элементларининг ифодавийлик хусусиятини болалар томонидан чуқурроқ идрок этишини таъминлайди.

Секин, майнин, куйчан айтиладиган «Азиз устозлар» (С.Бобоев), «Диёр мадҳи» (Н.Норхўжаев), «Булбулчам» (М.Насимов) каби қўшиклар ўқувчиларда қўшиқчилик нафасини ривожлантиришга ёрдам беради, чунки бунда болалар бир нафасда анча кенг мусиқий жумлаларни айтишга ўрганадилар. Бу қўшикларни куйлаш жараёнида ўқитувчи болалар олдига жумланинг бошидан-охиригача нафасни узмасдан куйлаш, товушни чўзиш вазифасини қўяди. Куйни бир неча бора қайтаргач, болалар нафасни маълум жойларда олишга, керакли характеристерда куйлашга ўрганадилар. Куйнинг майнинлигини ҳосил қилишда ду, гу, лю бўғинларида куйлаш, болаларни ўз ижроларининг сифатини кузатишга ўргатиш фойдали. Ўқувчилар эътиборини фортепианода гармоник жўрликка, у орқали қўшиқ янада тўлиқроқ, чиройли чиқишига қаратиш уларда икки овозли куйлаш малакаларини ўстиришга замин яратади.

Тез ижро этиладиган қўшиклар овознинг ҳаракатчанлигини, ижронинг енгил бўлишини талаб этади. Бундай қўшикларга А.Мансуровнинг «Ким эпчилу, ким чаққон?», Ш.Ёрматовнинг «Соғлом авлод қўшиғи», Д.Омонулаеванинг «Чаққон болалар» каби асарларни кўрсатиш мумкин. Тез суръатдаги қўшиклар устида ишлашнинг асосий вазифалари – енгил жарангли товуш, аниқ талаффуз, жумлалар орасида

нафасни тез ўзгартыриш. Буларга эришиш учун қуидаги методлар тавсия этилади:

- қўшиқни секин темпда куйлаб ўрганиш;
- до мажор тоналлигига нотага қараб куйлатиш;
- бўғинларда куйлаш;
- матнни, асар темпи ва ритмида куйлаш.

Мусика дарсларида иш самарадорлигини оширадиган усулларидан бири болаларни куйлашга ўргатиш жараёнида индивидуал (якка тартибда) ишлашдир. Индивидуал ёндашув қуидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Яхши ўзлаштирилган қўшиқ ижросида ўқувчиларни бир неча гурухларга бўлиб текшириб, куйлатиб туриш;
2. Пассив ўқувчиларга куйидаги индивидуал вазифаларни бериш:
 - қўшиқнинг куйини эшитиб, куй ҳаракатини қўл билан «чўзиб бериш»;
 - берилган усулга қараб қўшиқ номини топиш;
 - куйни тинглаб, икки жумлани бир-бирига таққослаган ҳолда қайси жумла қисқа товушда тугалланишини айтиб бериш.

Хар бир синфда оҳангни ноаниқ куйловчи ўқувчилар бор. Ўқувчилар биринчи навбатда мусиқий эшитув ва овоз ўртасидаги координациянинг йўқлиги сабабли ҳамда мусиқий эшитув ўқувчининг бўш ривожланиши натижасида нотўғри куйлайдилар. Аммо маълумки, мусиқий фаолият жараёнида интонация яхшиланади. Болалар билан ишлашда қуидагилар фойдалидир:

- примар зонани хисобга олган ҳолда куйлаш вазифаларини бериш;
- пастки нутқ овозини куйлашга қўчирмаслик учун юқори регистр атакаси билан куйлаш;
- айрим товушларни дилда, кейинги товушни овоз чиқарib куйлаш;
- легато, юмшоқ атака, эркин артикуляция малакаларини эгаллаш устида ишлаш;
- дифференцияли (алоҳида) куйлатиш.

6.7. Ўқитувчининг қўшиқ устидаги мустақил иш режаси

Мусика репертуаридаги қўшиқларнинг болалар онгига, юрагига сингиб бориши, уларда бу асарларга қизиқиш, муҳаббатнинг ортиши ўқитувчига боғлиқ. Чунки, ўқитувчи бевосита бастакор билан болалар ўртасидаги боғловчи «занжир» деб айтсан муболага бўлмайди. Бундай

масъулиятли вазифани амалга ошириш учун ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёрланишда, айникса қўшиқ ижроси устида жиддий иш олиб бориши лозимлиги зарурый ҳолдир.

Бунинг учун ўқитувчи:

- қўшиқнинг яратилиш тарихи, муаллифнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиши;

- қўшиқнинг бадиий мазмуни, матн ва мусиқа орасидаги ўзаро боғлиқлик, уйғунликни чукур англаши;

- мусиқа ифода воситаларини таҳлил қилиши (жанри, шакли, жумлалари, лад, тоналлиги, суръати, ритми ва ҳоказо);

- асардаги ижро учун мураккаб бўлган жойларни, яъни интонацион, товуш ҳосил қилиш, артикуляцион, талаффуз, нафас, жумлалар, соз ва ансамбл, икки овозлиқдаги қийинчиликларни аниқлаши ва улар устида ишлаш режасини тузиш;

- қўшиқ мазмунига қараб ҳар бир қўшиқнинг ўз йўналишида айтилиши;

- қўшиқ ижроси устида ишлаши, яъни ўз жўрлиги, фонограмма ёки минусовка остида ифодали кўйлаши, овоз партияларини жўрсиз кўйлай олиши, 1-овозни чалиб, 2-овозни айтиши ва дирижёрик қилиши (баравар), ҳамда фонограмма ёки минусовка остида дирижёрик қилиши;

- қўшиқнинг дарс, чорак мавзулари билан боғлиқлигини юзага келтириши; шу боғлиқлик асосида методлар, таълимий-тарбиявий вазифаларини белгилаши;

- 2-3 дарсга мўлжалланган (15 минутдан) қўшиқ ўргатиш режасини тузиши;

- вокал-хор ишларининг мақсад ва вазифаларини белгилаши лозим.

Қўшиқ ўргатиш бўйича юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, бу иш ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ижодий фаолиятининг энг қизикарли, масъулиятли турларидандир. Иш самарадорлиги ўқитувчи томонидан кўлланиладиган оғзаки, кўргазмали, амалий усувлар, эмоционал таъсир этиш, контраст-таққослаш, индивидуал ёндашув методларининг ўз ўрнида ишлатилишига, бир сўз билан айтганда, ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Савол ва топшириқлар

1. Кўшиқ кўйлашга ўргатишнинг таълимий-тарбиявий аҳамияти, вазифаларини ёритиб беринг.
2. Овоз аппарати тизими тузилишини тавсифлаб беринг.
3. Болалар овозининг ёш даврлари бўйича ривожланиш босқичлари хусусиятларини гапириб беринг.
4. Мутация даври, белгилари, хусусиятини ёритиб беринг.
5. Кўшиқ ўргатиш жараённида бадиийлик ва маҳоратнинг бирлиги принципи қандай амалга оширилади?
6. Кўшиқ ўргатиш режасини тайёрланг ва талабалар гуруҳи билан ўтказинг.

Амалий машғулот саволлари

1. Жамоа бўлиб кўйлаш орқали ўқувчиларнинг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш.
2. Вокал-хор малакалари ва уларнинг қўшиқ ижросидаги аҳамияти.
3. Дасда қўшиқ устида ишлаш босқичлари.
4. Кўшиқ асарларининг бадиий-мусиқий таҳлили методикаси.

VII БҮЛІМ

ДАРСДА МУСИҚИЙ-РИТМИК ҲАРАКАТЛАР

7.1. Фаолият тавсифи

Үқувчиларнинг ҳар томонлама мусиқий ривожида мусиқий-ритмик ҳаракатлар бошқа фаолият турлари каби мұхым ақамиятга етілді. Уларда мусиқийлик, ижодийлик қобилияtlари ривожланады, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш малакалари шаклланади. Мусиқага мос ҳаракат бажаришнинг тарбиявий ақамияти – ритм хисси фаоллашади, мусиқий материалнинг ўзлаштириши чукурлашади. Ҳаракатлар бажариш мусиқий образ ривожини кузатишга ёрдам беради.

Мусиқани дикқат билан тинглаб ўз хиссиятларини ҳаракатларда ифодалаш имконияти ўқувчининг ўз ҳаракатларини назорат қилиш қобилиятига ҳам таъсир этади.

Мусиқа ва ҳаракат уйғунлиги инсоннинг маңнавий ва жисмоний ривожини ўзаро боғлайды ва барқамолликка йўналтиради деб айтиш мумкин. Мусиқа ва ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари кўп маротаба психология, педагогика, физиология, мусиқашуносликда кўриб чиқилган. Организмнинг умумий функционал фаолиятига мусиқанинг ижобий таъсирини И.Сеченов, Б.Теплов исботлаб беришган. Мусиқий-ритмик тарбия тизимини ривожлантириш масалалари билан Н.Александрова, М.Румер, Е.Кононова, Н.Ветлугина, М.Палавандишивили кабилар шуғулланиб келганлар. Шу ўринда XX асрнинг бошларида кўп мамлакатларда швейцариялик мусиқачи, педагог Э.Далькроз томонидан асос солинган **ритмик тарбия** тизимининг кенг тарқалганини айтиш жоиз. Э. Жак Далькроз методи – маҳсус танлаб олинган машқлар асосида болаларда мусиқий эшитув, хотира, дикқат, ритм түйғуси, пластик ифодали ҳаракатларни ривожлантиришга асосланган.

Мусиқий-ритмик ҳаракат фаолияти ўзаро боғланган уч йўналишни ўз ичига олади:

Биринчиси, боланинг мусиқий ривожланишини, яъни мусиқий эшитувни ўстириш, ҳаракатни мусиқага мослаш кўникмаларини шакллантириш, мусиқий билимларнинг ўзлаштиришини таъминлайди;

Иккинчи йўналиш ўқувчидаги түғри ҳаракат кўникмаларини ҳосил киласи: юриш (маршона, шахдам, тантанавор, кескин ва ҳ.к.); кадам

ташлаш (баланд, оёқ учиды, юмшоқ, пружинали ва ҳк.); сакрашлар (енгил, ҳаракатчан); айланишлар; қўл ҳаракатлари (майин, охиста, ҳаракатчан); чапаклар (секин, қаттиқ, кафтларни яқин тутган ҳолда сирпанма ҳаракатлар); рақс элементлари (ўзбек халқ рақсларидан «ойна», «арқон», «елка учирин», вальсона ва ҳк.);

Учинчи йўналиш ўқувчиларда тана ҳаракатларини бошқариш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган (аниқ ва тез тўхташ, ҳаракатни ўзгартириш ва ҳк.).

7.2. Дарсда мусиқий-ритмик фаолиятни ташкил этишига ўқитувчининг тайёргарлиги

Дарсга тайёргарлик кўришда ўқитувчи мусиқий материални дарс мавзусига мос ҳолда танлайди. Мавзу, ҳаракат кўникмалари конкрет мусиқий эшитув тасаввурини (масалан, тембр ёки регистр ва ҳк.) ва мусиқий билимларни чукурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши лозим. Ўқувчилар томонидан бажариладиган ҳаракатлар сифати тингланган мусиқий асарнинг идроки даражаси ҳамда ўқитувчининг ифодали ижросига боғлиқ. Ижро қилинаётган асарни ўқитувчи ёддан чалиши керак, чунки ҳаракатлар бажарилиши вақтида ўқитувчи ўқувчиларни кузатиб туриши, хатоларини тузатиши лозим. Ҳамма ҳаракатларни аввал ўқитувчи кўрсатиб беради, айниқса, 1-2-синфларда. Факатгина оғзаки тушунтириш билан ижобий натижаларга эришиш кийин. Ҳаракатларни кўрсатиб бериш ўқувчиларда мусиқага бўлган ҳиссий муносабатни фаолаштиради.

Ўқитувчи барча ҳаракатларни ўргатиш жараёнида образли сўз, тушунтириш, шеърий матндан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Ҳаракатларни тушунтиришда ёрқин таққослашлар ўқувчиларга ҳаракатларни тўғри ва ифодали бажаришга ёрдам беради. Масалан,

«Учкурликда елдан тез

Менинг жажжи тойчоғим»

сўzlари болаларга тез, енгил, ҳаракатчан, баланд қадам ташлаш ва сакрама ҳаракатларининг ифодавийлигини англашда ёрдам беради. Бу эса М.Отажоновнинг «Тойчоқ» пьесаси мазмунини, ундаги мусиқий образнинг ривожланиши хусусиятлари, асарнинг шаклини ҳис этиш ва онгли тушуниш имконини беради.

Мусиқага ҳаракатлар бажаришда ўқитувнинг техник воситаларидан – аудио, СД кабилардан кенг фойдаланиш лозим. Бу ўқувчиларни уларга таниш бўлган асарни янги талқинда, жаранглашда кўрсатиб бериш, ўқитувчига ўқувчилар бажараётган ҳаракатларнинг сифатини кузатиш, лозим бўлган жойларда ўзгартиришлар киритишга имкон яратади.

7.3. Дарсда ҳаракатларни қўллаш услублари

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар болаларнинг бадиий тажрибасига айланиши, бадиий ривожланишини бойитиши учун ўқувчиларни бу фаолиятга тайёрлаш, энг аввало, ҳаракат малакалари ҳақида тасаввурга эга қилиш лозим. Ўқувчилар хонада мусиқа остида қадам ташлаш, енгил югуриш, ҳар томонга тарқалиш каби бошланғич малакаларини эгаллайдилар. Мусиқий сигнал – белгиларга (ҳаракатни бошлаш, ўзгартириш ва ҳ.) жавобан ҳаракатланишини ўрганадилар. Масалан, барабаннинг жаранглаши ўринлардан туриб сафланишга сигнал бўлса, Д.Назаровнинг «Юриш марши» куйининг бошланиши қадам ташлаб турган жойда ҳаракатланишга, куйга учбуручакнинг жўрлиги қўшилган жойда эса сакрашга ўтишини кўрсатиши лозим.

Бундай бошланғич-мўлжал олиш машқаларидан сўнг дарс жараёнида ўқувчиларга ҳаракатларда мусиқий образнинг характеристики хусусиятларини кўрсатиб бериш кўнкимларини шакллантиришга қаратилган вазифалар берилади. Масалан, маршлар турига қараб ҳаракат қилиш: спорт маршига – шахдам, байрам маршига – тантанавор, солдатчалар маршига – баланд қадамлар ташлаб ҳаракатланиш; рақс мусиқаларини оҳанг характеристики ва темпига қараб турлаш орқали қўл, билак ва елка ҳаракатларини асарга мос ҳолда «ўйнатиши»: енгил ракс («Баҳор келди»), ўйноки ракс («Уфор»), жадал ракс («Полька»), оҳиста, равон, майин ракс («Баҳор вальси») ва ҳ.

Чапаклар, карсаклар, оёқ дўпиллатишлар ҳаракат элементларининг энг оддийларидандир. Улар ўқувчига куй ритмлари,nota чўзимлари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Масалан, ўзбек халқ куйлари «Дўлонча» ва «Чертомак» асарларига чапакда жўр бўлиш орқали болалар «Дўлонча» қуидаги товушлар чўзими «Чертомак» қуидаги чўзимларга нисбатан қисқароқ эканлиги ҳамда қисқа товушлар югуриш учун, узунроқ товушлар қадам ташлашга қулиялигини хис этадилар. Бу куйларнинг ритмик хусусиятларини

таққослаб, ўқувчилар мусиқа характери ва унинг ифода воситалари ўзаро боғлиқлигини аниқлайдилар.

Харакатлар ёрдамида ўқувчиларда бир қатор мусиқий-эшитув тасаввурларини шакллантириш мумкин.

Икки ёки уч ҳиссали ўлчов ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга қаратилган машқлар:

- 1) бунда ўқувчилар турган холда 2/4 ўлчовидаги мусиқага оёқ уида күтарилиб ва пастлаб ҳаракат бажарадилар, ёки
- 2) 2/4 ўлчовидаги мусиқага кифт ва елкаларини бошга қараб күтариадилар ва ўз ҳолига туширадилар;
- 3) 3/4 ўлчовидаги мусиқага эса – биринчи ҳиссага енгил яrim ўтирадилар ва «уч» га турадилар ва ҳк.

(Барча ҳаракатларни болалар ўзларига яхши таниш бўлган мусиқа остида бажарадилар).

Товуш баландлиги эшитувини шакллантиришга қаратилган ҳаракатли машқлар:

1) болалар кўзларини юмиб ўтирадилар ва товушлар баландлиги ёки чолгулар тембрларини аниқлашга ҳаракат қиласадилар. Жавобларни болалар ҳаракатли белгилар ёрдамида кўрсатадилар. Масалан, паст товушларга оёқлар «рақс тушади», баланд товушларга – қўл билаклари, доира жарангига болалар доирада ижрога тақлид қилиб кўрсатадилар.

2) ўрта регистрдаги товуш эшитилса, болалар кўкрак баландлигига чапак чаладилар, баланд регистрдаги товуш чалинса – бошлари узра чапак чаладилар.

3) ижодкорликка қаратилган машқ: 3 қисмли асардаги регистрларни таққослашда қўллар юкори регистрга «рақс тушадилар», ўрта регистрда эса – танани ҳаракатлантирадилар ва ҳк. Бунда бир ўкувчининг ҳаракатларига иккинчи ўқувчи оддий чолғуда ритмик жўр бўлиши ҳам мумкин. Синфга эса бу ижодий вазифанинг бажарилишини баҳолаш топширилади.

Мусиқа темпи ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга қаратилган мусиқий-ритмик ҳаракатлар:

- 1) ўқитувчи чалаётган ёки куйлаётган турли темпдаги мусиқа остида юриш ёки чопиш (сакраш);
- 2) хайвонлар ҳаракатига тақлид: секин ҳаракатланувчи – фил, тошбақа; тез ҳаракатланувчи – қуён, ит ва ҳк.

Бундай ва бунга ўхшаш мусиқий-ритмик ҳаракатлар ёрдамида ўқитувчи бир қатор мусиқий тасаввурлар ва билимлар доирасини (динамика, мусиқа шакли, мусиқий жумла, товуш йўналиши ва ҳк.) таркиб топтириши бошлангич синфларда мусиқа ўқитиш ишларининг самарадорлигини оширади.

Ўқувчиларга улар тингланаётган ва куйлаётган мусиқалари мазмунни ва ҳарактерига мос келадиган ракс ва мусиқий-ритмик ҳаракатларни танлаш, топиш ва мустақил ижро этиш таклиф этилса, бундай вазифалар уларда ижодкорлик қобилиятларини фаоллаштиради, бадиий дидни ривожлантиради. Бу вазифаларни осонлаштириш мақсадида мазмунни ва ҳаракат кетма-кетлигини намоён қилувчи қўшиқ ва дастурий мусиқа асари қўлланилади. Ш.Нажмиддиновнинг «Болалар ва ғозлар», Т.Тошматовнинг «Айиқполvonлар боғчаси», ўзбек халқ қўшиғи «Бойчечак», Т.Хусайлдининг «Жўжаларим», А.Мансуровнинг «Пиёда аскарлар қўшиғи», П.Чайковскийнинг «Ёғоч солдатчалар марши» ва ҳоказо асарларни келтириш мумкин. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда мос ҳаракатларни топадилар. Ижро пайтида ўқитувчи болаларга ҳаракатларда ифодавийликка эришиш, уларни яхшироқ бажариш йўлларни кўрсатиб боради.

Мусиқий материал танлар экан, мусиқа ўқитувчиси қайси асарда тайёр композициясини қўллаш мумкин, қайси асарни эса болаларнинг ўзлари ижод қилиб, ҳаракат ва ракс элементларини топишлари учун мўлжаллаш кераклигини аниқлайди. Болаларда ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш жараёнида уларда ташаббускорликни, қизиқувчанликни қўллаб-куватлаб, рагбатлантириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Савол ва топшириқлар

1. Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларнинг мусиқий-ритмик фаолияти ва унинг тарбиявий аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Ўқувчиларда ритм туйғусини ривожлантириш вазифасига қаратилган дарс фрагментини тайёрланг ва талабалар гурухи билан ўтказиб беринг.
3. Фольклор қўшиқ асарини драматизациялашга мисоллар келтиринг ва бунда қандай ҳаракат малакаларини шакллантириш мумкинлигини айтинг.

VIII БҮЛІМ

БОЛАЛАР МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДАРС ЖАРАЁНИДА ҚҰЛЛАНИЛИШИ

8.1. Дарсда болалар чолгучилиги фаолиятининг мақсад ва вазифалари

Болалар мусиқа чолғуларида чалиш – ўқувчиларнинг жамоа ижрочилик фаолияти турларидан биридир. Унинг дарсдаги **үрни – ўқувчининг мусиқий қобилятигини юзага чиқариш ва ривожлантириш**, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг бадиий тажрибасини бойитиш, ижрочилик фаолиятига қизиқыш уйғотишидир.

Дарс шароитида болалар чолғу асбобларида ижрочилик фаолиятини құллаши бир неча ўқув-педагогик вазифаларини ҳал этишга қаратылған:

- 1) ўқувчиларни дарс ва синфдан ташқари ҳамда бүш вақтларда ижрочилик фаолиятига ундаш;
- 2) уларда бадиий дид ва қизиқышлар шаклланишига ёрдам бериш;
- 3) жамоавий ижрочиликка қизиқышлар шаклланишига ёрдам бериш;
- 4) чолғулар тембрларини фарқлаш, уларнинг жаранглашдаги уйғунлигини хис эта олишларига эришиш;
- 5) мусиқий қобилятиларнинг (лад, ритм, шаклни хис этиш, тембр, мелодик, гармоник эшитув, хотира) ривожланишини фаоллаштыриш;
- 6) ўқувчиларда мусиқий ифода воситаларининг аҳамияти ҳақидаги тасаввурни шакллантириш.

Бу вазифаларни амалга оширишда мусиқий-ўқув репертуари ва иш методлари ҳал құлувчи аҳамияттаға әгадир.

Дарсда құлланиладиган мусиқий материалнинг энг асосий хусусияти – унинг универсаллигидадир, яъни бир ёки бир неча асарнинг ўзида бир қатор тасаввур, малака, күнікмалар шакллантирилиши имконияти борлигидадир. Бундан ташқари, мусиқий материал (мусиқий асар) ўқувчилар ва ўқытушчиларнинг биргаликдеги ижроси учун қулай бўлиши ва ижодий ҳаракатлар шакллантиришга қаратылған бўлиши лозим. Болалар чолғуларида чалиш эшитув ва овоз координацияси (мувофиқлиги) бўш бўлган ўқувчиларнинг мусиқий-ижодий ривож учун ҳам айниқса фойдалидир.

Машғулотлар натижасида ўқувчилар қуидагиларни билишлари лозим:

- чолғулар номларини ва уларни әктийёт қилиш йўллари;
- чолғулар тембрларини эшитувда фарқлаш ва уларнинг ифодавийлик хусусиятларини англашлари;
- ҳар қайси чолғу асбобида чалиш усуллари ва йўлларини ўрганиш;
- чолғуларда товуш ҳосил қилиш ва товуш йўналтиришнинг (легато, стаккато) ифодавийлик аҳамиятини тушуниш;
- ансамбль ижрочилиги малакаларини ҳосил қилиш, мураккаб бўлмаган куйларни чала олиш;
- товуш баландлигига эга чолғуларда баланд ва паст товушларнинг жойлашувини билиш,nota номлари ва уларнинг nota чизифидаги ўрнини билиш.

Дарсдаги иш натижалари қўпроқ чолғуларга боғлиқ. Шунинг учун баъзи чолғуларнинг товуш сифатига, товуш ҳосил қилиш техникасига бўлган талабларини хисобга олиш зарур.

8.2. Болалар мусиқа чолғулари характеристикаси

Бошлангич синф ўқувчилари билан ишлашда, табиийки, энг содда чолғу асбоблари кўлланилиши мумкин.

Бу чолғулар соғ, майнин жаранглости ва кўриниши чиройли, безакли бўлиб, ўқувчиларни ўзига жалб этиши ҳамда ижрода қулай бўлиши талаб этилади. Ижро пайтида гавда, бўйин, бошнинг эркин ҳолатига эътибор қаратиласди.

Болалар мусиқа чолғулари асосан иккита гурухга, яъни товуш баландлигига эга бўлган (мелодик) ҳамда уриб чалинадиган (мелодик бўлмаган) чолғуларга бўлинади.

1. Уриб чалинадиган (мелодик бўлмаган) ритмик чолғулар: доира, сафоил, кутича, ноғорачалар, қайроқ, клавес, блоклар, тамбуурин, барабан, марокас, учбурчак, румба, ёғоч қошиқлар, тарелкалар. Шу чолғуларнинг баъзиларининг тавсифини келтирамиз:

Сафоил – жарангдор чолғу бўлиб, иккита ёғоч дастачаларга мустаҳкамланган, иккита катта ўралган ҳалқалардан иборат. Ҳар бир катта ҳалқага 15 та кичик ҳалқачалар ўтказилган. Бу ҳалқаларнинг жарангига чолғунинг ўнг елкага уриб ёки хавода тез-тез ҳаракат билан олдинга силкитишдан келиб чиқади.

Кутича – кутичалар қаттиқ дараҳт туридан ясалиб, ҳар хил иирикликда бўлиши мумкин ва унга ёғоч чўплар билан уриб чалинади.

Клавес – палисандр дараҳтидан тайёрланган иккита таёқча, бирбирига уриб овоз чиқарилади. Уларни ушлаганда (бош ва кўрсаткич бармоқлар ёрдамида) ёғоч учлари бўш бўлиши керак.

Барабан – иккита тарафи тери билан қопланган темир цилиндр. Товуш ёғоч таёқчалар ёрдамида марказига уриш орқали ҳосил қилинади.

Маракас – иккита пластмасс шар, уларнинг ичидаги тошчалар ҳаракатланади. Бу чолғунинг товуши оғирроқ бўлгани учун болани тез ҷарчатади. Шунинг учун эҳтиёт бўлиб фойдаланиш зарур. Кўлда ушлаб, майин ҳаракат билан силкитиб товуш ҳосил қилинади.

Учбурчаклар – чалиш пайтида осиб кўйилади ёки чап кўлда тасмачасидан ушлаб турилади ва ўнг кўлда металл тайёқча билан урилади. Тез темпда таёқчани учбурчакнинг ички икки ёнига уриб «тремоло» ижро этиш мумкин. «Нозик», «ялтироқ», қисқа товушга эга.

Тарелкалар – барабанчага мустаҳкамланади ёки чап кўлда ушлаб турилади. Иккита ёғоч тайёқча билан баробар ёки алоҳида-алоҳида чалиш мумкин.

2. Мелодик чолғулар: товуш баландлигига эга бўлган металлофон, қсилофон, металлофон ва қсилофон альт (C1-C2), металлофон ва қсилофон сопрано (C2-C3), кўнгироқчалардан иборат:

Бу чолғуларнинг асосий созланиш тоналлиги – До мажор. Алмаштириладиган пластинкалар яқин тоналликларда ижро этиш имкониятини беради. Энг пастки товуш доимо тоника бўлади. Ижро пайтида чолғулар ўқувчининг бел қисми баландлигига бўлиши лозим. Таёқчаларни бош ва кўрсаткич бармоқлар орасида енгил ушлаш керак. Бунда кўллар тирсакдан билакларгача эркин ҳолатда бўлишига эътибор тортилади. Аввал болаларга товушни икки қўл билан ҳосил қилиш таклиф қилинади. Бунда иккала кўлнинг баландлиги бир хил бўлиши лозим.

Ҳар бир чолғунинг ўз таёқчалари бор:

- қсилофонда – қаттиқ пробкали таёқчалар билан чалинади.
- металлофонда резина таёқчалар билан ижро этилади.
- кўнгироқчаларда – ёғоч таёқчалар билан ижро этилади.

8.3. Болалар мусиқа ижрочилигини ривожлантириши устида ишиләш методлари

Биринчи машғулотларданоқ ҳар иккала гурухдаги, яъни ритмик ва мелодик чолғулардан фойдаланиш мақсадга мувофиқидир.

Мелодик чолгуларда ижро этиш усулларидан қуйидагиларни көлтириш мүмкін:

- содда қўшиқ куйларини (бир, икки товушдан иборат) чалиш;
- «акс-садо», «құшчалар айтишуві» каби ўйин шаклидаги мусиқа машқларини чалиш.

Ўз мазмуни ва қоидаларига эга бўлган ўйин, эртак, мусиқий ҳикоялар ўқувчилар учун ижодий ҳаракатларда кулай иш шакли ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг лад ва ритм ҳақидаги мусиқий тасаввурлари қўшиқ куйлаш жараёнида турли хил ижодий вазифаларни бажариш орқали жадал ривожланади. Буларга:

- қўшиқка ритмик жўрлиқ, кириш қисми «тўқиши»;
- қўшиқнинг характеристики, образига мос келувчи чолғуларни танлаш ва бу ҳақдаги фикрни асослаб бериш;
- ўқитувчи томонидан таклиф этилган жўрлик турларидан асар кайфиятига мос келадиганини танлаш ва х.к.

Бу хилдаги вазифалар асосан ритмик ва мелодик чолғулар ёрдамида бажарилади.

Партитураларни ўрганишда турли йўллар қўлланилади:

- нота ёзуви, ритм ёзуви;
- эшиктув орқали чалиб ўрганиш;
- ижрочининг чалишини кўриб ёдлаш орқали ўрганиш.

Эслаб қолиш жараёнини тезлаштириш мақсадида ҳар қайси партияниң ритмик кўринишини оғзаки таҳлил қилиш ёрдам беради. Масалан, ритмик ҳаракат жўрлиги куй усулини айнан қайтарадими ёки мустақил кўринишига эгами, факатгина кучли хиссани кўрсатадими ёки хиссалар пульсациясини кўрсатадими?

Мусиқа чолгуларида ижрочилик ўқувчиларда мусиқа идрокини фаоллаштиради ва чуқурлаштиради. Оддий ритмик партитураларни ижро этиш жараёнида болалар мусиқа ифода воситалари ҳақида, асарнинг тузилиши, шакли, мусиқанинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида бошлангич билимларга эга бўладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, чолғуларда чалишга ўргатиш асосида биринчи машғулотларданок ўқувчиларга бадиий-муаммоли вазифалар бериш ва уларда мусиқий ижодий фикрлашни фаоллаштириш ўқитувчининг асосий педагогик вазифаларидан биридир.

Саволлари ва топшириқлар

1. Болалар чолғуларида ижрочилик фаолиятининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Дарсда кўлланиладиган болалар мусиқа чолғуларига тавсиф беринг.
3. Дарсда чолғучилик фаолиятини ташқил этиш йўллари қандай?
4. Болалар чолғулари кўлланилган дарс фрагментини тайёрланг ва болалар гурухи билан ўтказинг.

Амалий машғулот саволлари

1. Болалар чолғу фаолиятини амалга оширишда репертуарга бўлган талаблар.
2. Болалар чолғу фаолиятини амалга оширишда иш методлари.
3. Чолғучилик фаолиятида идрокни фаоллаштирувчи усуллар.

IX БҮЛЛИМ

МУСИҚА РЕПЕРТУАРИНИ ЎРГАТИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Умумтаълим мактаблари «Мусиқа маданияти» дастури қўшиқ кўйлаш ва мусиқа тинглаш учун берилган асарларни танлаб олиш, бадий жиҳатдан teng бўлган, чорак мавзуларини ёритиб беришга хизмат қиласиган бошқа асарларга алмаштиришда мусиқа ўқитувчисига эркинлик беради. Бу эса мактаб мусиқа репертуарини бойитиш, мунтазам равишда ижодий янгилаб туриш, ўкувчиларни нафакат дарсликларда берилган асарлар билан, балки мусиқа санъатининг (дастурга кирмаган) кўплаб нодир намуналари билан таништириш имконини яратади.

Дарснинг етакчи фаолиятлари бўлган мусиқа тинглаш ва кўйлаш фаолияти учун олинган асарларнинг бадий ва тарбиявий савияси, уларнинг ўзлаштирилиши даражаси, яъни идроки ва ижро сифати, бунда ўқитувчининг касбий-ижодий маҳорати мусиқий таълим-тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди.

Биз шуларни ҳисобга олган ҳолда бошланғич синфларда жамоа бўлиб кўйлаш ва мусиқа тинглаш учун асосий ва қўшимча мусиқий материал сифатида дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда кўйлаш учун Ўзбекистон композиторларининг қатор асарларини ва уларни ўргатиш бўйича баъзи тавсияларни келтирамиз.

Мусиқа маданияти дарсларида тинглаш ва кўйлаш учун олинадиган асарларни ўргатиш бўйича иш босқичлари, уларнинг кетма-кетлиги, ўргатиш услублари, тинглаш ва кўйлаш кўнникмаларини шакллантириш йўллари, ўкувчилар ёшига мос ҳолда асарларнинг бадий-педагогик таҳлилини ўтказиш иккинчи бобда батафсил ёритилганлиги сабабли қуида бир қанча асарлар учун тавсиялар билан чекландик.

9.1. Мусиқа тинглаш асарлари таҳлили

F.Қодиров. «Юбилей марши»

Композитор Ғофур Қодировнинг (1917-1985) жозибали қўшиқлари, симфоник ва сахна мусиқаси, айниқса, болалар учун ёзган асарлари

миллий мусиқа маданиятимизни бойитди ва келажак авлод учун бетакрор мерос бўлиб колди.

Ижодий фаолияти давомида F.Қодиров турли жанрларга мурожаат этиб ёрқин асарлар яратди. Симфоник оркестр учун «Ўзбек марши», симфония, «Сўзана рақси», «Ёшлик увертюраси», «Рақс сюитаси», халқ чоғулари оркестри учун 4 та «Сюита», «Кичик увертюра», дамли чолғулар оркестри учун «Шодлик марши», «Юбилей марши», «Шодлик» балети, фортепиано учун «Рақс», «Рондо», «Пахта ракси», «Прелюдия ва вариация» каби асарларни, «Ғазал», «Ваъда», «Қуёшли Ўзбекистон», «Баҳор қўшиғи», «Ўзбекистон» каби романс қўшиқлари шулар жумласидандир.

F.Қодиров ижодида болалар мусиқаси алоҳида ўрин эгаллади. «Боғчамиз», «Салом, янги йил», «Баҳор келди», «Бинафша», «Май», «Баҳтили авлод», «Дангасаллик – касаллик», «Она қўллари» каби болалар қўшиқлари ёш авлод учун катта ижодий мактаб бўлиб хизмат килиб келмоқда. Муаллифлик тўпламлари «Пилла», «Қўриқ ер қўшиқлари», «Баҳтили авлод», «Баҳт қўшиғи», «Қуёш ва биз», фортепиано учун пъесалар алоҳида нашр этилган. Композиторнинг «Мактабжон – офтобжон», «Ёш пахтакорлар», «Ватан қўшиғи» сюиталари, «Ватан қалбларда», «Ёш бинокорлар» кантаталари Республикаизда болалар ижроси учун мўлжалланган вокал-симфоник жанрининг вужудга келишига асос бўлди.

F.Қодировнинг «Юбилей марши» асарини тинглаш ва идрок этиш орқали ўқувчиларнинг марш жанри ҳақидаги билимлари чуқурлашади. Тинглашдан олдин ўқитувчи ўқувчиларга Ўзбекистоннинг таникли композитори F.Қодиров ва унинг ҳаётий-ижодий йўли ҳақида қисқача маълумот беради. Ўқитувчи таклифига кўра, болалар ўзларига таниш бўлган бир неча марш асарларини эслайдилар (Ф.Назаров «Юриш марши», Ўзбекистон куйи «Усмония», П.Чайковский «Ёғоч аскарчалар марши» ва ҳ.). Болалар марш мусиқаси асосан шахдам, харакатчан, кувноқ бўлиб, қадам ташлаб юриш учун қулайлигини айтадилар.

F.Қодировнинг «Юбилей марши» асарини тинглаб, болалар бу асарнинг ёрқин, байрамона, мардона характеристини белгилайдилар. Юртимиз тантанасига бағишлаб ёзилганини билиб оладилар. Темпи чаққон, шахдам эканлигини айтадилар. Оҳангдаги тантанаворлик, улуғворлик бу асарни бошқа маршлардан ажратиб туришини билиб оладилар.

Ўқитувчининг «Мусиқанинг қандай воситалари асарга тантанаворлик руҳини беради?» деган саволига болалар мажор лади, фортепианода ассосий куйга пастки товушлардаги «куюқ» жўрнавозлиқ, оҳанг ритмидаги кескинлик, жарангдорлик деб жавоб берадилар (ўқувчилар жавоб беришга қийналишса, ўқитувчи турткি беради).

Қайта тинглашдан олдин ўқувчиларга асардаги мусиқанинг қандай ривожланиб боришини кузатиш ва «музиқа асари охиригача шундай бир кайфиятда кетадими ёки ўзгарадими?» деган саволга жавоб бериш вазифа килиб қўйилади. Болалар мусиқанини диккат билан тинглаб, асар ўртасида мусиқа ўзгариши, ўрта қисм ўз характеристига кўра бироз «енгиллашгани», кескинлиги камайганлигини, яъни мусиқа қўшиқоналиқ, майнлик хусусиятларини акс эттиришини айтадилар. Учинчи қисмда янада баландроқ ва жарангдор товушларда биринчи қисм мусиқаси қайтарилишини билиб оладилар.

Асарни қайта тинглашда мусиқий-ритмик ҳаракатлар ва чолғуларда ритмик жўр бўлишни қўллаш мумкин. Синф икки гурухга бўлинади. Биринчи гурух 1- ва 3- қисмларда маршга қадам ташлайдилар. Бу пайтда иккинчи гурух чолғуларда мусиқанинг кучли ҳиссаларига барабанда жўр бўладилар. Ўрта қисмида иккинчи гурух қадам ташлайди, қолганлар ритмга жўр бўладилар. Шу йўл билан болаларда мусиқа ифода воситаларининг аҳамияти, мусиқанинг ўзгариши, қайтарилиши (оддий уч қисмлик) ҳақидаги тасаввурлар мустаҳкамланади.

Бу асар учинчи синфда тинглаш учун тавсия этилади.

X.Изомов. «Полька»

Хайри Изомов (1922) иккинчи авлодга мансуб ўзбек профессионал композиторлардан. Ўзининг ёрқин ижоди билан Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига муносаб ҳисса кўшиб келмоқда.

Консерваторияда ўқиб юрган йилларидаёқ у «Пари», «Ватан олқиши», «Ўзбекистоним – маним» романси ва қўшиқлари, фортепиано учун «Токката» куй асарлари билан машҳур бўлди. Мусиқанинг турли жанр ва шаклларида асарлар яратди. Унинг «Қаҳрамон қуллар», «Жонли элим», «Ёшлик байрами», «Тинчлик ҳақида ёшлар қўшиғи», «Дуторим», «Тошкент осмони», «Сайр этдим» каби қўшиқлари, симфоник оркестрга ўзбекча сюита, скрипка ва фортепиано учун пьеса,

фортепиано учун этюд, «Ноктюрн» ва бошқа кўплаб асарлари эл-юрт мұхаббатига сазовор бўлди.

Композитор бир қатор спектакларга ҳам мусиқа басталади. «Ойгул ва Бахтиёр», «Иқбол», «Вафодорлик» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Х.Изомов «Полька» пьесасини тинглашдан олдин ўқитувчи ўкувчиларга рақс мусикаси жанрлари ҳақида яна бир бор эслатади.

«Полька» – қадимги халқ рақси бўлиб, унинг ватани Чехиядир. Бу рақсни доимо жуфт бўлиб, жонли сакрама ҳаракатлар билан ижро этганлар.

Х.Изомовнинг «Полька»си ўзининг жозибадорлиги, енгил, ўйноқи, шўх ҳарактери билан ажralиб туради. Ўкувчилар асарни фортепиано чолғусида ўқитувчи ижросида тинглайдилар, темпини аниқлайдилар (тез, жонли). «Полька»ни қайта тинглашдан олдин ўқувчиларга мусикадаги ўзгаришни (қисмлар алмашуви) қўл кўтариб аниқлаш вазифаси берилади. Ўкувчилар эътибори асарнинг баланд регистрда жаранглашига тортилади.

Идрокни чукурлаштириш мақсадида шу мусиқа остига турли мусиқий-ритмик ҳаракатларни киритиш мумкин: асарнинг кириш қисмида болалар қисқа чапаклар (саккизталик чўзимларда) билан жўр бўладилар. Биринчи жумлага билакларини елка баландлигига енгил силкитадилар. Юқори регистрда *ff* га жарангловчи кейинги жумлага болалар бошлари узра билак ҳаракатларини давом эттирадилар. Мусиқанинг қайтарилиш қисмларида қўл ҳаракатлари куйга мос равишда такрорланади. Бу ҳаракатларни бажариш жараёнида ўқитувчи асардаги динамик, мелодик ўзгаришларнинг ўкувчилар томонидан қай даражада ҳис этилаётганлигини текшириш имконига эга бўлади.

Тинглашдан сўнг ўкувчилар ўқитувчи ёрдамида асарнинг иккита мусиқий жумланинг ва уларнинг қайтарилиши асосида тузилганлигини, биринчи жумла ўрта куч билан, иккинчи жумла кучли ижро қилинишини билиб оладилар.

Бу асар асосида ўкувчилар икки қисмли оддий шакл ҳақида («шакл» сўзини ишлатмаган холда), баланд ва ўрта товушлар, ўртача ва кучли ижро (динамикалар) ҳақида тасаввурига эга бўладилар.

Асар 1-синфда мусиқа тинглаш учун тавсия этилади.

С.Абрамова. «Ёмғиржон»

Софья Абрамова 1930-йили Тошкентда туғилған. Болалар учун мусиқа яратылғанда ўзининг ёрқин-мелодик мусиқий ижодини намоён этганды.

Концерт, опера, чолғу сонаталари, фортепиано учун күплаб пьесалар каби турлы жанрларда асарлар яратған. С.Абрамова Тошкент Давлат консерваториясини тамомлагач, болалар мусиқий тарбиясига, болалар учун ижод этишга катта қизиқиши билан киришади. Унинг болаларға аталған күй ва құшиқлари жуда күп ва турли-туман. «Фил», «Маймунча», «Лайлак қор», «Насибанинг құшиғи», «Шамол», «Куз», «Бувижоним-бувижон», «Сичқонлар» каби күплаб құшиқлари ҳозирда ҳам таниқли. Болалар томонидан севиб ижро этилади.

С.Абрамованинг «Ёмғиржон» пьесаси 1-2-синфларда «Табиатда мусиқа акси» номли дарс мавзусида тинглаш учун тавсия этилади.

Үқитувчи болаларға асарни дикқат билан тинглашни, куйнинг кайфиятини аниқлашни, нима учун композитор асарни «Ёмғиржон» деб номланғанини айтишни вазифа қилиб құяди. Болалар мусиқанинг құнвок, енгил кайфиятда эканлигини айтадилар. Баланд регистрдаги қисқа-қисқа, тез чалинувчи товушлар бағор фасли ёмғиринынг томчиларини акс эттирилғанлигини, бундай ёмғир ҳаммага яхши кайфият бериши, шунинг учун ҳам композитор ўз асарини «Ёмғиржон» деб атаганини айтадилар.

Дикқат билан мусиқаны тинглаш асосида ўқувчиларни бу асардаги «ёмғир» образининг ривожини кузатыб, сезишни ўргатамиз. Яъни, асарнинг ўрта қисміда күй бироз ўзгаради. Ўрта ва паст регистрдаги товушлар ёмғир тинаётгандек, тугаётгандек бўлишини ифодалайди. Учинчи қисм тингловчиларни яна биринчи кайфиятга қайтаради.

Борис Гиенко. «Құнвок доира»

Борис Гиенко (1917-2000) – Ўзбекистонда яшаб баркамол ижод килған композитор. Б.Гиенко күплаб чолғу, камер ансамбл, симфоник оркестр учун концерт асарларининг муаллифи. Симфоник оркестр учун «Хоразмча сюита», «Ўзбекистон лирик манзаралари» сюитаси, «Мирзачўл» симфоник поэма асарларини яратди. Гиенко ижодида ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Ўзбекча марш», «Бешта Помир халқ құшиғи», «Бозатая» каби асарлари алоҳида ўрин тутади.

Б.Гиенко болалар учун ҳам бир қатор асарлар яратган. «Тўртта топишмок», «Мусиқадаги ҳайвонлар», «Йил бўйи қўшиқлар тўпламлари», «Гердайган қуён», «Василиса Прекрасная», «Четда» каби болалар театр спектаклларига мусика, болалар учун турли чолғулар ва ансамблларга куй ва қўшиқлари, айниқса, фортепиано учун «7 пьеса тўплами», «10 та пьеса тўплами» туркумлари ёш ижрочилар томонидан доимо кизиқиши билан ижро килиниб келмоқда.

«Кувноқ доира» асарида композитор товушларнинг узиб-узиб чалиниши, зарбларнинг алмашиб туриши, енгил, рақсона кайфияти, ҳаракатчан суръати каби мусиқанинг ифода воситалари орқали ўзбек халқининг энг севимли чолғуси доира жараганглаши тақлидини фортепиано чолғусида кўрсатиб бера олганлиги сухбат жараёнида аниқланади. Усул, зарб, динамика, темп ва бошқа мусика нутқи бўлакларининг аҳамиятини ёритиб бериш орқали ўқитувчи ўқувчиларда мусиқанинг тасвирийлиги ҳақидаги тасаввурларни ривожлантиради.

Бунда ўқитувчи Ўзбекистонда яшаб ижод этган композитор Б.Гиенко ўзбек халқ чолғулари, уларнинг тембр ва ижро имкониятларини чуқур ўрганганлиги, ўзбек чолғу оркестри учун кўплаб асарлар ёзганлиги ҳақида болаларга маълумот бериши мумкин.

Бу асарни учинчи синфда «Мусиқанинг ифода воситалари» мавзу доирасида ўрганиш тавсия қилинади.

P.В.Юнусжонова. «Рақс»

